МУҲИМ ИЖТИМОИЙ ВА ЕТАКЧИ ТУЗИЛМА

Бу давлат ўз ваколатлари доирасидаги қатор масъулиятларини аста-секинлик билан фуқаролик жамияти институтлари зиммасига ўтказаётганидан далолат.

2 бет

ОЛИС ҚИШЛОҚДАГИ ЯНГИ КОРХОНА

иқтисодий барқарор фаолият кўрсатиш билан бирга яқин орада хорижга маҳсулот экспорт қилишни ҳам режалаштирмоқда

3 бет

ТЎЙ — ЭЗГУ НИЯТЛАР РЎЁБИ, АММО...

Баъзида унинг ортидан келадиган ғалвалар бир умр юракда қора доғ бўлиб қолиши мумкин.

5 бет

МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

Mahalla

43 (749)

ISSN 2010-7013

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви нашри | 2010 йил 4 ноябрь. Пайшанба | 1996 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН НОГИРОНЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИНИНГ БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида Аргентинада ўтказилган 2010 йилги жаҳон чемпионатида ғолибликни қўлга киритиб, халқаро мусобақаларда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишда жасорат ва матонат намунасини кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Кариев Рустам Игамбердиевич – Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг бош мураббийи

Турсунбоев Хайдарали Умаралиевич – Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Арапов Мухаммадазиз Хакимович – Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

Рустамов Умарали Махмудович – Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

Турахўжаев Қудрат Сайдиллахўжаевич – Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 3 ноябрь

Баркамол авлод — юрт таянчи

КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ МУСТАҲКАМ

Бугун жаҳон ареналарида йигит-қизларимиз энг кучли спортчилар қаторидан ўрин олаётгани, халқаро фан олимпиадаларида совриндор бўлишаётгани барчамизни қувонтиради. Уларнинг орзу-ниятларини, эзгу мақсадларини эшитиб, фахрланасан киши. Бу муваффақиятларнинг ҳаммаси ҳукуматимизнинг баркамол авлод тарбияси борасида олиб бораётган изчил сиёсати натижасидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2004 — 2009 йилларга мўлжалланган мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурига кўра Қашқадарё вилоятидаги мавжуд 1 минг 115 та мактабдан 932 тасида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиб, улар тубдан янгиланди. 114 та янги мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу билим даргоҳларнинг ҳаммаси замонавий жиҳозлар, ахборот-технология ускуналари билан таъминланди. Уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Энг чекка қишлоқлардаги мактабларга ҳам компьютерлар кириб борди.

Бугун ёшларимиз замон талаблари даражасидаги ўқув даргоҳларида таълим-тарбия олишмоқда. Билим даргоҳларида таълим сифати ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор билан ёндашиляпти. Педагоглар замон талабларидан келиб чиққан ҳолда машғулотларни ноанъанавий тарзда, интерфаол усулида ташкил этишга ҳаракат қилишмоқда.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида 7 нафар ўқитувчи Германия давлатида бўлиб, тажриба ва малака ошириб қайтишди.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ > [2]

ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАМКОРЛИГИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 3 ноябрь куни Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармон доираларининг бизнес-семинари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Импортчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланди. Унда Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг ташқи иқтисодий алоқалар, сармоя, машинасозлик, геология ва минерал ресурслар, қурилиш, кимё, фармацевтика каби соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари А.Камолов мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил февраль ойида Корея Республикасига давлат ташрифи ўзаро муносабатларни янги мазмун билан бойитди. Ташриф асносида кўплаб соҳаларда, жумладан, иқтисодий йўналишда ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган қатор келишувларга эришилди.

Иқтисодий соҳада мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилади. Ўзбекистонда кореялик ҳамкорлар билан ташкил этилган 359 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда Жанубий Кореянинг 84 компанияси ўз ваколатхонасини очган. Улар машинасозлик, савдо, кимё, озиқ-овқат, енгил саноат, металлни қайта ишлаш, фармацевтика, сайёҳлик, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда иш юритаётир.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ > [2]

Раёсат йиғилиши

ТЎҚҚИЗ ОЙЛИК ЯКУНЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Жорий "Баркамол авлод йили" Давлат дастури ижросини таъминлашда юртимиздаги ҳар бир давлат, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва муассасалари томонидан муайян вазифалар белгиланган. Хусусан, бу жараёнларда "Маҳалла" хайрия жамғармаси республика бошқаруви ҳамда унинг жойлардаги бўлим ва бўлинмаларининг ҳам алоҳида ҳиссаси бор.

Жамғарма республика бошқарувида йил дастури ижросининг тўққиз ойлик якунларига бағишланган Раёсат йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоят бўлимлари раислари, республика бошқаруви ходимлари иштирок этди. Мажлисда Раёсат аъзолари томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган айрим хато ва камчиликлар атрофлича муҳокама қилинди.

Йиғилишни "Маҳалла" хайрия жамғармаси республика бошқаруви раиси Анвар Аҳмедов очиб, жамғарма тузилмалари томонидан 2010 йил "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар ва жамғарма иш режасининг бажарилиши юзасидан ўтган даврмобайнида кўплаб эзгу ва хайрли ишлар амалга оширилганини, қолаверса, жамғарма мутасаддилари фаолиятига доир низом ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан келиб чиққан ҳолда, маҳаллаларда соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, аҳолига замонавий қулайликлар яратиш чора-тадбирларига алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади.

Хусусан, Давлат дастури ва иш режасига биноан, маҳаллаларда 12 миллиондан ортиқ аҳоли иштирокида 220 мингга яқин маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ > [2]

Муносабат

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ЮКСАК РАҒБАТ ТОПАДИ

Муҳтарам Президентимизнинг мамлакатимиз пахтакорлари ва барча меҳнат аҳлига йўллаган самимий қутловини фермер хўжалигимиз аъзолари ўзгача ҳаяжон ва қувонч билан қарши олди. Сабаби табрикда ҳосилдорлик бўйича юксак натижаларни қўлга киритган меҳнат жамоалари қаторида бизнинг «Ҳосил» фермер хўжалиги номи ҳам зикр этилган.

Дарҳақиқат, Қорадарё соҳилларида меҳнат қилаётган жамоамиз бир жон, бир тан бўлиб 58 гектар пахтазорнинг ҳар гектаридан 53,23 центнердан, жами 309 тонна сифатли ҳосил кўтарди. Бу шартнома режаси 204,6 фоизга адо этилганини билдиради.

Гап пахтачилик ҳақида кетар экан, шуни қувонч билан айтишни истардимки, бундан уч йил олдин Юртбошимизнинг ташаббуси билан қабул қилинган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга доир дастур ижроси аллақачон ўз самарасини бера бошлади. Биргина бизга хизмат кўрсатаётган, экин майдони 980 гектарни ташкил этадиган «Қорадарё» машина-трактор парки томонидан ҳудуддаги 22 километр ариқ, зовурлар қазилиб тозаланди. Бизнинг хўжалигимизда эса 8 километрли зовур фойдаланишга топширилди. Бунгача экинзорларимиз тошлоқ, шўр, боз устига, ариқ зовурлар лойқа босиб, кўмилиб кетган эди. Қирқ, эллик йиллардан буён бу ерларда ҳосилдорлик 12-13 центнернигина ташкил этарди, холос.

Хуллас, 2007 йилда пахтадан олган ҳосилимиз гектар ҳисобига аранг 40 центнерни ташкил этди. Ўша йил охирида Давлат дастури бўйича ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга киришдик. Натижада 2008 йилдаёқ ҳосилдорлик 43 центнерга етди. Ўша меҳнат, ўша харажат, бироқ уч йилда 13 центнер ўсишга эришилди. Ғалла ҳосилдорлиги ҳам уч йил ичида 12 центнерга кўтарилди. Бундай натижалар биз деҳқонларни ерга эътибор билан қараш, унинг ҳолатини доимо яхшилаб бориш мўл ҳосил гарови эканлигини яна бир бор кўрсатди.

Умумий ер майдонимиз 90 гектар бўлиб, жорий йилда унинг 28 гектарида ғалла, 4 гектарида сабзавот маҳсулотлари ҳам етиштирдик. Табрикда айтилганидек, ҳар қандай ютуқнинг пировард натижаси даромад билан ўлчанади. Биз ҳам меҳнатимиз самарасини олинган даромадда кўряпмиз. Пахтачиликда кўзланган фойда даражаси 75 фоизни ташкил этиб, 219 миллион сўм даромад кўрилган бўлса, ғалланинг ҳар гектаридан 71 центнердан ҳосил олиб, 44 миллион сўм даромад олинди. Шу ҳисобдан ялпи даромад 263 миллион сўмни, соф фойда эса 113 миллион сўмни ташкил этди.

ИСЛОҲОТ САМАРАЛАРИ > [3]

Ғамхўрлик

ҲАР БИР БОЛА – ЭЪТИБОРДА

Мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш, уларни ҳеч кимдан кам бўлмаган, мустақил фикрли, ҳар томонлама баркамол шахс этиб вояга етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг қатор фармон ва қарорлари, давлат дастурлари ўғил-қизларимизни ҳар жиҳатдан ҳимоялаш, уларга таълим ва тарбия бериш, ҳаётга ижтимоий мослашуви ва жамиятда ўз ўрнини топишига яқиндан кўмаклашишда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 августда қабул қилинган "Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар-жойлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бунинг ёрқин далилидир. Мазкур ҳужжат етим, ота-она меҳридан бебаҳра болаларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларни турар-жой билан таъминлаш тартибини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

— Меҳрибонлик уйларининг уй-жойга муҳтож тарбияланувчилари аввал ҳам турар-жой билан таъминланар эди, — дейди Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъул котиби Мадамин Раҳимов. — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси жорий йилнинг август ойида қабул қилинган қарори бу ишларни янада юқори даражада ташкил этиш имконини бермоқда.

ОИЛА ДАВРАСИДА > [6]

Обод қишлоқлар

ҲАМЖИҲАТЛИК БОР ЖОЙДА ФАЙЗ-БАРАКА БЎЛАДИ

— Китоб туманидаги Бештерак қишлоқ фуқаролар йиғини ҳақида ёзсангиз, дегандим. Ҳар жиҳатдан ибратли, — деди «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими бош мутахассиси Гулчеҳра Бобожонова биз билан суҳбатда.

— Бирорта ҳам нотинч оила йўқ. Ишсиз, бекорчи юрган ёшларни деярли тополмайсиз. Тўйлари тартибли, камхарж ўтишига ҳавас қиласиз. Қўни-қўшниларнинг иноқлигини айтмайсизми. Бу ерда яхши бир анъана бор: кам таъминланган, кўп болали оилаларни фермерлару тадбиркорлар отаниқ олишган. Ҳар доим қўллаб-қувватлаб, ёрдам бериб туришади. Яхшиси ўзингиз бир бориб кўринг.

Дарҳақиқат, Бештерак қишлоғига кириб боришингиз билан, аввало, бу ердаги бетакрор манзара эътиборингизни тортади. Тўрт тарафи боғу роғлардан иборат бўлган қишлоқнинг икки томонидан икки дарё — Қашқадарё ва Оқдарё оқиб ўтади. Шунданми, қишлоқ ҳавоси жуда мусаффо. Қишлоқ кўчаларини айланар экансиз, гўзал манзара баҳридилингизни очади. Ҳар бир ҳовли-жойнинг ичкарисию ташқарисига гуллар экилган, сувлар сепилиб, супуриб-сидирилган. Қайси хонадон ва кўчага кирманг, айни шу манзарага гувоҳ бўласиз. Ҳар қадамда димоғингизга райҳон ҳиди уфуради.

ИСЛОҲОТ САМАРАЛАРИ > [3]

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари

МУҲИМ ИЖТИМОИЙ ВА ЕТАКЧИ ТУЗИЛМА

Биз ота-боболаримиз асрлар давомида орзу қилиб келган адолатли, қонунлар ҳамма учун баробар бўлган инсонпарвар жамият қуриш йўлидан боряпмиз. Бу жамият "фуқаролик жамияти", деб аталади. Фуқаролик жамиятини фуқароларнинг ўзлари қуриб, ўз вакиллари орқали бошқаришади, бошқарув жараёнини ҳам ўзлари назорат қилишади. Амалда мавжуд бўлган кучли давлат тизими эса ана шу мақсадни амалга оширишда бош ислоҳотчи бўлиб қолади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён ўтган даврга назар ташлайдиган бўлсак, фуқаролик жамияти сари дадил қадамлар ташланганига ва бу интилишлар изчил давом этаётганига амин бўламиз. Буни биргина сайлов тизимидаги ислоҳотлар ва пировард натижада сайловчилар фаоллиги, номзодни танлашдаги талабчанликдан ҳам яққол кўришимиз мумкин. Дарҳақиқат, фуқаролик жамияти пойдеворини сайловларнинг демократик асосда, юқори савияда ўтишида сайловчиларнинг сиёсий фаоллиги белгилаб беради. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, мустақиллик йилларидаги барча сайловларда халқимиз фаол иштирок этди, десак янглишмаймиз. Ушбу сиёсий кампанияларнинг барчасида бизнинг "Чорбоғ-2" маҳалламиз аҳли ҳам алоҳида тайёргарлик билан қатнашди.

Ўтган йилнинг 27 декабрь куни мамлакатимиз парламентига ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловда маҳалламиз аҳли туман кенгаши депутатлигига кўрсатилган номзодлар орасидан Соли Омоновнинг сайловолди дастурини маъқул кўришди ва уни депутатликка сайлашди. Халқ унинг номзодини ёқлаб тўғри қилган экан. Депутатимиз ўтган даврда қишлоқлар кўчаларини созлаш, газ, электр энергияси таъминотидаги баъзи муаммоларни бартараф этиш борасида қатор ишларни амалга оширишда фаол қатнашмоқда. Масалан, ёш оилаларнинг уй-жойга бўлган талабини қондириш мақсадида депутатимиз таклифи билан якка тартибда, замонавий лойиҳаларда уй қуриш учун махсус жой ажратиб беришини сўраб туман ҳокимлигига чиқдик. Талаб ва таклифларимиз атрофлича ўрганилгач, Келаги қишлоғи яқинидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ҳудуддан 13 гектар майдон ажратилиб, ҳар бир оила учун 6 сотихдан ер тендер савдоси орқали бериладиган бўлди. Савдодан тушган маблағ эса шу ернинг ободончилигига сарфланиши режалаштирилди.

Эътибор берадиган бўлсак, бундай ишлар авваллари фақат давлат томонидан режалаштирилиб, амалга оширилган. Энди эса бу жараёнда депутатлар, фуқаролар таклифлари, маҳалланинг саъй-ҳаракатлари ҳам ҳисобга олинмоқда. Бу давлат ўз ваколатлари доирасидаги қатор масъулиятларини аста-секинлик билан фуқаролик жамияти институтлари зиммасига ўтказаётганидан далолат.

Президентимиз Ислом Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги (2002 йил 29 август) маърузасида Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари хусусида батафсил тўхталиб, шундай деб таъкидлаганди:

"Бешинчи устувор йўналиш фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти бўлиб, бу жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтиришдан иборат. Ёки, бошқача қилиб айттанда, бу — "Кучли давлатдан кучли жамият сари", деган тамойилни амалда ҳаётга жорий этиш демакдир".

Кўзда тутилган мақсад маълум: ушбу йўналишда ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан алоқадор масалаларни ҳал этишда давлатнинг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказиб бориш назарда тутилмоқда. Ушбу устувор йўналишнинг ҳаётга қай даражада тадбиқ этилаётганини фермерлар фаолияти мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Маҳалламиздаги "Барокат" машина-трактор паркига 33 та фермер хўжалиги аъзо бўлиб кирган. Обид Расулов раислик қилаётган МТП ҳудудида 1050 гектар суғориладиган ер майдони мавжуд. Деҳқончилигимиз асосан ғалла, сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган. Фермерлар ўзлари аъзо бўлган уюшма ҳамда МТП билан ўзаро алоқада иш юритишмоқда. Уларнинг фаолиятига ҳокимият ва бошқа ташкилотлар аралашуви тобора камайиб борянти.

Мамлакатимиз раҳбари мустақил, аҳоли кенг табақаларининг мададига сазовор бўладиган фуқаролик институтларини шакллантиришга кўмаклашиш, ижтимоий муҳим муаммоларни ҳал этишда уларнинг ролини кучайтириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида 2005 йил 25 июнда "Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида" қарор қабул қилганди. Ушбу қарорнинг ҳаётбахш самараларини ўз-ўзини бошқариш институти — маҳалла тизимида яққол кўришимиз мумкин.

Баркамол авлод тарбияси давлат аҳамиятига молик вазифадир. Ана шу шарафли ишни маҳалламиз ҳудудида тўлиқ амалга ошириш учун биз масъулмиз ва бу масалада давлат идораларини мумкин қадар безовта қилмасликка ҳаракат қиляпмиз. Ҳудудимиздаги 58-умумтаълим мактабида 350 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. «Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги» концепцияси яхши йўлга қўйилганлиги боис ўқишдан, ишдан узилиб қолганлар йўқ. Мактабни битирганлар академик лицейларга, касб-ҳунар коллежларига тўлиқ жалб этилмоқда. Ўқишни кейинги босқичда давом эттирувчилардан ташқари барча ёшлар эгаллаган касблари бўйича ишга жалб этилмоқда. Масалан, Зуфар Мусурмонов мактабни битиргач, касб-ҳунар коллежига кирди. Касбни эгаллагач, фермерликни танлади. Икки йилдан буён "Аббосова Зулфия" фермер хўжалигини муваффақиятли бошқариб келмоқда. "Менинг тақдиримда маҳалланинг раҳнамолиги муҳим аҳамият касб этди", деяётган бундай ёшларни истаганча топиш мумкин.

Фақат таълим-тарбия масаласида эмас, тўй-маросимларни ихчам, камчиқим ўтказиш, байрамларни тантанали нишонлаш, коммунал тўловлар, солиқ тушумларини вақтида амалга ошириш каби қатор масалаларда ҳам маҳалла ҳал қилувчи кучга эга бўлиб бормоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мамлакатимизда фуқаролик жамияти сари дадил қадам ташланмоқда. Бу жараёнда ўзини ўзи бошқариш органи — маҳалла ўз мавқеи, обрўси, ташаббускорлиги билан бошқа нодавлат, нотижорат ташкилотларига етакчи бўляпти.

Низомиддин ҲАКИМОВ,
Самарқанд туманидаги "Чорбоғ-2" маҳалласи раиси,
Ўктам ҚУРБОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Баркамол авлод — юрт таянчи

КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ МУСТАҲКАМ

< [1]

— Гидрогел технологияси билан сув ресурсларини тежаш лойиҳаси устида иш олиб боряпман. Бу лойиҳа қишлоқ хўжалигида яхши самара беради, сув сарфини 50 фоизгача камайтиради, — дейди Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг 2-босқич талабаси Акбар Исматов. — Шунингдек, тупроқ эрозиясининг олдини олади. Минерал ўғитларнинг ерга тез сингиб кетишига йўл қўймайди.

Акбардаги дадиллик ва ҳаракат сизда ишонч уйғотади.

— Магистратурани тугатиб, халқаро иқтисодиёт соҳасида ишламоқчиман. Инглиз тилини пухта ўрганишга ҳаракат қиляпман, — давом этади Акбар.

Шу олийгоҳни тугатиб, бугун Қарши қурилиш коллежида иш бошлаган Шердил Эргашев эса қуёш энергиясидан фойдаланиб, коммунал уйларни иссиқ сув билан таъминлаш ҳамда иситиш тизимини яхши йўлга қўйиш лойиҳаси устида илмий изланиш олиб бораётир. Шу билан бирга коллежда иқтидорли ёшлар билан ишлаб, уларнинг янги лойиҳалар устида изланишлари учун кўмак бераётир. Бунинг учун коллежда барча имконият ва шарт-шароитлар етарли. Замонавий компьютер ва бошқа технологик асбоб-ускуналар мавжуд.

16 ёшида Зулфия мукофотининг совриндори бўлган Азиза Алманова эса экологик мувозанатни сақлаш, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш борасида илмий изланишлар олиб бориш баробарида катта анжуманларда ўз таклифларини ўртага ташлаяпти. Айниқса, Қашқадарё дарёсининг экологик ҳолати, дарё сувини ифлослантираётган манбалар, шунингдек, дарё атрофида тарқалган, бугунги кунда, "Қизил китоб"га кирган ноёб қушлар ва ҳайвонларнинг йўқолиб кетиши хавфини камайтириш хусусида бонг урмоқда. Бу ёшларнинг зукколиги, эл-юрт фаровонлиги учун қайғураётганидан кўнглингиз фахр-ифтихорга тўлади. Мана бу фактларга эътибор қаратинг: Қарши шаҳридаги 2-ихтисослашган мактаб-интернатни тугатган ўқувчиларнинг аксарияти энг нуфузли олий ўқув юртларига давлат гранти асосида ўқишга кираяпти. Шу йилнинг ўзида билим даргоҳининг 5 нафар ўқувчиси Италиянинг Турин политехника университети Тошкент филиалининг, Сингапур давлат университети Тошкент филиалининг ҳамда Буюк Британиянинг халқаро Вестминстер университетининг талабалари бўлишди.

— Мактабимиз замон талаблари даражасида жиҳозланган. Ўқитувчиларимиз ўз касбларининг ҳақиқий фидойилари, десам муболаға қилмайман, — дейди мактаб директори София Абдуназарова. — Ҳар бир машғулот бугунги кун талаблари даражасида, ноанъанавий тарзда олиб борилади. Ўқувчилар қизиқишлари ва иқтидорига қараб гуруҳларга ажратилган. Ўқитувчилар ҳар бир ўқувчи билан индивидуал иш олиб бораётгани ўз самарасини бераётир.

Шунингдек, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти қошидаги Нуристон академик лицейини битирган ўқувчиларнинг 80 фоизи олий ўқув юртларига ўқишга кириш билан бирга кўпчилиги илмий иш билан банд. Лицейда илмий лойиҳалар маркази фаолият кўрсатади. Унда ўқувчилар турли мавзуларда илмий изланишлар олиб боришади, лабораторияларда тажриба ўтказишади, ўзаро фикр алмашишади. Ўтган ўқув йилида лицейнинг 8 нафар ўқувчиси республика фан олимпиадасида иштирок этиб, юқори ўринларни эгаллади. Шу йили лицей ўқувчиси Дилноза Баҳромова Буюк Британиянинг халқаро Вестминстер университетининг талабаси бўлди. Яна бир ўқувчи Бобур Қурбонов ўзбек жанг санъати бўйича Италияда ўтказилган жаҳон биринчилигида иштирок этиб, жаҳон чемпиони бўлди. Қарши шаҳридаги 11-умумтаълим мактабининг ўқувчиси Луиза Ғаниева эса бадиий гимнастика бўйича Осиё мусобақаларида иштирок этиб, Ўзбекистон терма жамоасининг аъзоси бўлди. Косон туманидаги Гувалак қишлоғида жойлашган спорт мажмуасининг курашчи ва гимнастикачи қизлари қўлга киритаётган муваффақиятлар ҳам ибратга лойиқ.

— Шундай юртнинг фарзанди эканимдан ҳамиша ғурурланаман. Биз ёшлар учун ҳамма шарт-шароитлар, имкониятлар яратиб берилган. Президентимиз бизга жуда ғамхўр, — дейди Қарши Давлат университетининг талабаси, Зулфия номидаги давлат мукофотининг совриндори, Президент стипендианти Нилуфар Аббосхонова. — Бугун қўлимизни қаерга узатсак етади. Ҳеч кимдан кам эмасмиз. Биз ёшлар бугун бир ният, бир мақсад учун ҳаракат қиляпмиз. Юртга, улуғ аждодларимизга муносиб фарзанд бўлиш, ғамхўрликларга муносиб жавоб қайтариш, элимизнинг, Президентимизнинг эзгу мақсадларини рўёбга чиқариш, юртимиз тараққиётига ҳисса қўшиш учун бор куч-ғайратимизни сарфлаймиз.

Бугун вилоятда турли халқаро грантлар ғолиблари бўлиб, чет элларда билим ва малакаларини ошириб келаётган ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Фан олимпиадалари натижалари ҳақида гапирадиган бўлсак, биргина шу йилнинг ўзида олимпиада ғолиби бўлган 7 нафар ўқувчи олий ўқув юртига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинди. "Ҳуқуқ билимдонлари", "Барҳаёт анъаналар", "Сиз тарихни биласизми?", шунингдек, иншолар кўрик-танловларида вилоят ўқувчилари республикада энг юқори ўринларни эгаллаб келишаётир. Бугунги кунда Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлган 11 нафар қиз тенгдошларига ўрнак бўлиб, ўнлаб, юзлаб қизларни фаолликка ундаб келишяпти.

Вилоятдаги мактабларнинг деярли ҳаммасида спорт заллари мавжуд бўлиб, спортнинг барча турлари бўйича тўгараклар фаолият кўрсатмоқда. Биргина шу йилнинг ўзида 7 та мактабда спорт зали қурилиб, фойдаланишга топширилди. Маҳаллаларда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда вилоят ҳокимлиги, ҳомийлар ташаббуси билан спорт мажмуалари қурилди. Айни вақтда уларда минглаб ёшлар спорт билан шуғулланишяпти.

— Маҳалламиз тадбиркори Ўткиржон Эркаев томонидан қуриб берилган спорт мажмуаси бугун ёшларимизнинг энг севимли масканига айланган, — дейди Қарши шаҳридаги "Гулшан" маҳалласи оқсоқоли Худоёр Ботиров. — Бугун ёшларимиз бўш бўлди дегунча спорт мажмуасига ошиқишади. Мажмуада барча шарт-шароит яратиб берилган. Энди мажмуада от спортини ҳам йўлга қўймоқчимиз. Бу спорт тури ҳам фарзандларимизнинг саломатлиги учун жуда фойдали.

Туманларда "Баркамол авлод маркази" ташкил этилгани ёшларнинг иқтидори ва салоҳиятини юзага чиқаришда қўл келмоқда. Шунингдек, иқтидорли ёшлар учун ёзги ва қишки ўқув оромгоҳлари фаолияти йўлга қўйилгани улар учун яна бир имконият.

Бугунги ёшлар, уларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар ҳақидаги мулоҳазаларимизни бир маҳаллада Шоди бува исмли отахон берган гурунг билан якунламоқчимиз.

— Биз компьютер нималигини билмай ўсдик, — дейди Шоди бува Юсупов. — Ҳозирги ёшлар космосга учаман, деса ҳам ажабланмайман. Шундай билимдон, ақлли ёшларимиз борки, ҳам ҳавас қиламан, ҳам ғурурланаман. Неварам каратэ бўйича жаҳон чемпиони бўлди. Дунёни кўриб келяпти, 5 та тилни билади. Шукурбойнинг ўғли Америкада таҳсил олянти. Маҳалламиздаги Меҳри момонинг неварасини ҳарбий хизматга ишга олиб қолишди. Командир бўлар эмиш. Алпомишдай кучи бор-да ўзиям, курашда кураги ерга тегмаган. Яшавор, ўзбекнинг боласи! Аввало, ёшларимизга шундай имкониятларни яратиб бераётган Юртбошимизга, ҳукуматимизга минг раҳмат. Шукрки, келажагимиз пойдевори мустаҳкам бўляпти. Кўз тегмасин, илоҳим.

Санобар БОЙМУРОДОВА,
«Mahalla» мухбири.

ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАМКОРЛИГИ РИВОЖЛАНМОҚДА

< [1]

Бизнес-семинарда икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари биргаликда Ўзбекистон ва Жанубий Корея бизнес маконида ҳамкорликни янада ривожлантириш имкониятлари юзасидан фикр алмашди.

Анжуманда Жанубий Кореянинг «Hanshin International», «Irvine Business Group», «True Trading», «Shiba Korea», «Blue Bird», «World Juice», «Life and Line», «ICT» каби кўплаб фирма ва компаниялари раҳбарлари иштирок этди. Бу уларнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликка эътибори кучаяётганидан далолатдир.

— 1970 йилда ташкил топган уюшмамиз тизимида тўққиз мингдан зиёд компания фаолият юритади, — деди Корея Республикаси Импортчилар уюшмаси раиси Ли Жу Тэ. — Биз маҳсулот ва хизматларни импорт қилиш билан шуғулланамиз. Машинасозлик, енгил саноат, қурилиш, озиқ-овқат каби соҳаларда иш юритувчи корхоналар маҳсулотларининг Жанубий Кореяга импортини йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистонга келдик. Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли муносабатлар қарор топган, савдо-иқтисодий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Товар айирбошлаш ҳажми муттасил ошиб бормоқда. Ўзбекистонда хорижлик ишбилармонларнинг муваффақиятли иш юритиши учун барча шароит, имконият ва имтиёзлар яратилгани ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

Бизнес-семинар якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Корея ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди. Иштирокчилар ўзаро муносабатларни ривожлантириш, биргаликда икки томонлама манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари юзасидан фикрлашиб олди.

Мадина УМАРОВА,
ЎзА мухбири.

Раёсат йиғилиши

ТЎҚҚИЗ ОЙЛИК ЯКУНЛАРИ МУҲОКАМАСИ

< [1]

© Фото-Носир Ҳайдаров

Фуқаролар йиғинлари фаолиятини жонлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли турмуши фаровонлигини янада ошириш мақсадида маҳаллаларда Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини тушунтириш, шунингдек, ёш авлодни ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол этиб тарбиялашни кенг тарғиб қилиш юзасидан 16 мингдан зиёд давра суҳбати, мулоқотлар ва семинарлар ташкил этилди. Бу тадбирларга 1,5 миллион нафардан зиёд аҳоли жалб этилди. Эътиборлиси, шулардан 980 минг нафарга яқини ёшлардир.

Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асари, фуқаролар йиғинлари фаолиятига оид фармон, қарор ва маърузалари мазмун-моҳиятини маҳаллаларда тарғиб қилиш бўйича 3483 та давра суҳбати, 5628 та учрашув ўтказилиб, бу тадбирларда 660 минг нафар фуқаронинг иштироки таъминланди. Улардан 400 минг нафарга яқинини ёшлар ташкил этгани қувонарли, албатта.

Давлат дастурига биноан, жамғарманинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари томонидан маҳаллалардаги қариялар, ёрдамга муҳтож фуқаролар ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандларига моддий ва маънавий кўмаклашиш масаласига алоҳида эътибор берилгани юртимизда ҳар бир инсон тақдирига бефарқ қаралмаётганидан далолатдир. Жумладан, январь — сентябрь ойларида жамғарма тузилмалари томонидан ўтган давр мобайнида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2680,1 миллион сўмлик хайрия маблағлари ажратилди. Шунингдек, 9978,2 миллион сўм ҳомийлар маблағи жалб этилиб, республика бўйича кам таъминланган оилаларнинг 61,3 фоизига моддий ёрдам кўрсатилди.

Тўй ва оилавий тантаналар ўтказишни режалаштирган кам таъминланган ёш оилалар рўйхати тузилиб, улардан жами 2000 дан зиёдига фарзандларининг тўйларини ўтказишга кўмаклашилди. Бу ишларга жамғарма тузилмалари томонидан 203,7 миллион сўм маблағ сарфланди. Республика бўйича жами 2452 та кам таъминланган ёш оилага ҳомийлар маблағини жалб этган ҳолда бепул қорамол тарқатилди. Жамғарма тузилмалари томонидан ушбу мақсадда 809 миллион сўм ажратилди.

Шунингдек, одам савдосига қарши курашиш мавзусида 500 мингдан ортиқ аҳоли ва ёшлар иштирокида 10 мингдан зиёд тадбир ташкил қилинди. Ҳудудий бўлим ва бўлинмалар, фуқаролар йиғинлари томонидан одам савдосидан жабр кўрган 3368 нафар фуқарога турли даражадаги ёрдамлар кўрсатилди.

Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда маҳаллаларда аҳоли ва ёшлар ўртасида терроризм, диний экстремизм, турли маънавий таҳдидларга қарши курашиш бўйича 7 мингдан зиёд учрашув, 4500 дан ортиқ давра суҳбати ва тушунтириш ишлари ташкил этилиб, уларда 1,3 миллион ёш иштирок этди.

Бугунги кунда жамғарма ҳамда фуқаролар йиғинлари мутасаддиларининг билим савиясини, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш муҳим масалалардан биридир. Шу боис жамғарма ҳамда фуқаролар йиғинлари ходимларининг малакасини ошириш мақсадида Тошкент шаҳрида ҳудудий бўлимлар раислари, масъул котиблари ва ҳисобчилари учун ўқув-семинари ташкил этилди. Ушбу дастур асосида июль-август ойларида барча ҳудудларда ҳамкор ташкилотлар иштирокида семинар машғулотлари ташкил этилгани фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар фаолиятини янада такомиллаштиришда, қолаверса, ходимларнинг ўзаро тажриба алмашинувида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Хусусан, иш режасига биноан, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг 391 та маҳалла фуқаролар йиғинлари масъул котибларининг малакаси ва компьютер саводхонлиги оширилди. Шунингдек, Наманган, Фарғона вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида фуқаролар йиғинлари раислари, масъул котиблари ва маслаҳатчилари учун семинар машғулотлари ўтказилди. Бунинг натижасида ҳар бир ходим ўз вазифасига оид қонун ҳужжатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, фаолияти давомида бажариши лозим бўлган вазифаларини янада чуқур англаб етгани фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимини янада такомиллаштиришда қўл келаётир.

Шунингдек, йиғилишда Раёсат аъзолари томонидан Давлат дастури тадбирлари ҳамда иш режасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда жамғарма тузилмалари томонидан амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилаётгани таъкидланди.

Мажлис сўнггида кун тартибидаги масалалар ҳамда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан Раёсат қарори қабул қилиниб, келгусида бажарилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ,
"Mahalla" мухбири.

Хабар

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРҒИБОТИ

Марғилон шаҳри марказидаги тарих музейида "Мен соғлом турмуш тарзини танлайман» мавзусида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

Шаҳар ҳокимлиги, "Камолот" ЁИҲ шаҳар бўлими, "Маҳалла" хайрия жамғармасининг шаҳар бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мутасадди ташкилотлар вакиллари, маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этишди.

Тадбирда сўз олганлар истиқлол йилларида юртимизда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, баркамол авлодни шакллантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Шунингдек, ёшлар ўз саҳна чиқишларида гиёҳвандлик ва ОИТСга қарши эканликларини намойиш этишди.

Бу мавзудаги тадбир "Маориф" маҳалласида ҳам ташкиллаштирилди.

М.МАҲМУДОВ.

«ТАНТАНАЛАР МАЖМУАСИ» ИШГА ТУШДИ

Жиззах вилояти Бахмал туманидаги Гулбулоқ қишлоғида хусусий тадбиркор Абдусалом Абдуллаев ташаббуси билан «Ўткирбек» тантаналар мажмуаси қурилиб фойдаланишга топширилди.

Гулбулоқликлар тўйхона турли тўй-маъракалар, маросимлар ўтказиш учун барча қулайликларга эга эканини мамнуният билан эътироф этишаётир.

Энг муҳими, тўйхона хизмати арзон ва сифатли.

А.ҚАРШИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Муносабат

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ЮКСАК РАҒБАТ ТОПАДИ

< [1]

Хўжалигимиз пахта, ғалла уруғчилигига ихтисослаштирилган. Шу боис масъулият катта, ҳар бир агротехник тадбирни муҳлатида, маромида бажаришимиз зарур. Эришаётган ютуқларимизда механизатор ўғилларим Акромжон, Азаматжон, миришкор сувчилар Ҳаким Халилов, Одил Маллаев, чопиқчи, теримчи, қўйингки, барча юмушларда чаққон Дилором Халилова, Лобар Сувонова, Наргиза Халилова каби аъзоларнинг ҳиссалари катта. Экинзорларимизни ҳисобга олсак, мардона меҳнат қилаётганларни муносиб рағбатлантиришга, турмуш шароитини кўтаришга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Ишчиларимизнинг ойлик даромадлари ўртача 500-800 минг сўмни ташкил этмоқда. Бу ҳали оз. Даромадни ўртача 1 миллион сўмга етказиш ҳаракатидамиз.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури асосида Кадан қўрғонида бунёд этилган янги қишлоқларда механизаторларимиз иккита уй олишди. Энди сувчиларимиздан бири ҳам уй олмоқчи. Хўжалигимиз бундай пайтларда, албатта, ёрдам қўлини чўзади. Техникаларимиз янги, етарли. Даромаднинг маълум қисмини хайрли ишларга йўналтириш имконига эгамиз. Юртбошимиз ҳам «Меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, ҳеч қачон кам бўлманг, қадрдонлар!» дедиларки, бу бизга яхши ишлаганлар яхши яшашлари керак, деган одил хулосани англатиб туради.

Инсон орзу-умидлари билан барҳаёт. Биз айни дамларда келгуси йилги мўл ҳосил учун замин ҳозирлаяпмиз. Камтарона хизматларимизга нисбатан бўлган бундай юксак эътибор ишга бўлган иштиёқимизни янада оширди. Мақсад, келгуси йилда ҳам катта марраларни забт этишдир.

Авазжон ҲОСИЛОВ,
Каттақўрғон туманидаги «Ҳосил» фермер хўжалиги раиси, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби.

Инқирозга қарши чоралар дастури — амалда

ОЛИС ҚИШЛОҚДАГИ ЯНГИ КОРХОНА

иқтисодий барқарор фаолият кўрсатиш билан бирга яқин орада хорижга маҳсулот экспорт қилишни ҳам режалаштирмоқда

Жаҳонда давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз ҳали ўз таъсирини бўшаштиргани йўқ. Энг ривожланган мамлакатларда ҳам «йўғон чўзилиб, ингичка узилиб» турибди. Ана шундай мураккаб шароитда Ўзбекистон ўз йўлини тўғри танлай олгани, Президентимиз раҳнамолигида инқирозга қарши аниқ чоралар кўрилаётгани боис юртимизда иқтисодий кўрсаткичларнинг нафақат барқарорлиги таъминланяпти, балки сезиларли ўсиш суръати ҳам кузатилмоқда. Буни жорий йилнинг ўтган тўққиз ойлик якунларидан ҳам билса бўлади.

Биргина Наманган вилояти мисолида олиб кўрадиган бўлсак, 9 ойда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш 12,5 фоизга ўсиши таъминланди. Жумладан, саноат маҳсулотлари 16,4 фоизга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш эса 9,7 фоизга ортди. Қувонарлиси, бундай самарали натижаларга эришишда маҳаллаларнинг ҳам муносиб улуши бор. Боиси кейинги 2-3 йил ичида маҳаллаларнинг кўмаги ва ташаббуси билан ташкил этилаётган кичик корхоналар сони анчагина кўпайди. Айниқса, вилоят марказидан олисда жойлашган ҳудудларда кичик бизнеснинг кенгайиши ҳисобига янги иш ўринлари яратилиб, инфратузилма жадал ривожланмоқда.

Норин туманидаги Хўжаобод қишлоғи аҳолиси зич жойлашган, асосан, деҳқончилик билан шуғулланадиган масканлардан. Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Илҳомжон Сотиболдиевнинг айтишича, ҳудудда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари етарли бўлса-да, ишлаб чиқариш корхонасига кучли эҳтиёж катта эди. Шу боис ички имкониятлар ишга солиниб, маҳаллий тадбиркорлар билан суҳбатлашилди. Собир Раҳимов маҳалласида қишлоқнинг фойдаланилмаётган клуб биноси кичик корхона ташкил этиш учун мос жой. Қолаверса, корхона ташкил этаман, деган тадбиркор ҳам шу маҳалладан топилди. Эндигина 25 ёшни қаршилаган ака-ука Муроджон ва Улуғбек Собировлар эзгу ишга бош қўшишди. Улар маҳаллада пайпоқ тўқиш корхонаси очиш ҳаракатига тушишди. Ўзларининг 30 миллион сўм жамғармалари ёнига «Микрокредитбанк»нинг 56 миллион сўмлик имтиёзли кредитини қўшиб, бўш турган бинони ижарага олиб, таъмирлашди. Россиядан 15 та тўқув дастгоҳи келтирилди. Шу билан бирга, маҳалладаги йигитлардан 4 нафари дастгоҳларни ўрнатиш, ишлатиш ва хизмат кўрсатиш бўйича Россияда малака ошириб қайтдилар. Тез орада корхонада ишлар бошланиб кетди.

— Қишлоғимизда корхонанинг очилиши чинакам шодиёнага айланди, — дейди Хўжаобод қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Илҳомжон Сотиболдиев. — Чунки янги корхона боис маҳалладаги уйда ўтирган хотин-қизларнинг 17 нафари ишга жойлашди.

Дарҳақиқат, Хўжаободда иш бошлаган «Собиров Улуғбек» хусусий корхонаси қисқа фурсатда эл оғзига тушди. Йилнинг иккинчи ярмидан соф пахта хомашёсидан «Танҳо» ва «Собиртех» савдо ёрлиғи билан эркаклар пайпоқлари ишлаб чиқарила бошланди. Ўтган 5 ой мобайнида 60 минг жуфт маҳсулот шартнома асосида улгуржи буюртмачиларга етказиб берилди. Бу салкам эллик миллион сўм дегани. Йил охиригача эса 430 миллион сўмлик маҳсулотга буюртма бор.

— Корхонамизда ойига 40 минг жуфт пайпоқ ишлаб чиқариш мумкин, — дейди иш юритувчи Муроджон Собиров. — Ҳозирча бу қувватни тўла ишга туширганимиз йўқ. Секин-аста ишлаб чиқаришни кенгайтириб боряпмиз. Келгуси йилдан эса барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланамиз. Бу билан иш ўринлари сони ҳам, ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортади.

Янги корхонанинг режалари янада улкан. Ака-ука тадбиркорлар маҳсулот турини кенгайтириш ҳаракатида. Келгусида болалар ва аёллар учун ҳам мавсумбоп пайпоқлар тайёрлашни йўлга қўйиш, яна янги, замонавий дастгоҳлар олиб келиб ўрнатиш режалаштирилган.

— Имтиёзли кредитнинг ярмини қайтаришга ҳам улгурдик, — дейди корхона раҳбари Улуғбек Собиров. — Йил охиригача банк билан тўла ҳисоб-китоб қиламиз. Жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган бир пайтда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани инқирозга қарши чоралар дастурининг муҳим йўналишларидан биридир. Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан биз каби тадбиркорларга яратилаётган қулай шарт-шароитлар, берилаётган имтиёзлар боис иқтисодиётимиз ривожланиб бораверади. Бунга биз ҳам ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан мамнунмиз.

Ёш тадбиркорларнинг таъкидлашича, келгуси йилдан Россия, Грузия давлатларидан қизиқиш билдираётган тадбиркорлар билан йирик миқдордаги буюртмалар учун шартномалар тузиш борасида ҳам иш олиб борилаётган экан. Демак, Норин туманининг олис Хўжаобод қишлоғида тайёрланаётган маҳсулотлар яқин кунларда экспортга ҳам чиқса ажабмас.

Жамшид БЕК,
«Mahalla» мухбири.

Бухородан хабарлар

"БАХТ УЙИ" ЯНГИ МАСКАНДА

Юртбошимиз ташаббуси билан барпо этилган Бухоро маданий маркази бугун воҳадаги энг гўзал, гавжум масканлардан бирига айланди. Яқинда мазкур масканда "Бахт уйи"нинг янги биноси иш бошлагани эса Баркамол авлод йилида ёшлар учун муносиб совға бўлди.

Икки қаватли муҳташам бинода хизмат хоналаридан ташқари, юксак дид билан жиҳозланган тантаналар зали, алоҳида хоналар бор. Кутиш хонасидаги оила қонунчилигига оид адабиётлардан ёшлар оиладаги ҳақ-ҳуқуқлари хусусида батафсил маълумот олишлари мумкин.

— "Бахт уйи"нинг айнан маданий марказда иш бошлашининг бу ерда никоҳдан ўтаётган ёшлар учун аҳамияти катта, — дейди "Маҳалла" жамғармаси Бухоро шаҳар бўлинмаси бош мутахассиси Фароғат Асадова. — Негаки, бу ерга келган ҳар бир йигит-қиз, албатта, "Кўҳна ва боқий Бухоро" монументини зиёрат қилиш асосида унда номи зикр этилган аждодларга мос издош бўлиш, келгусида ўзи ҳам муносиб фарзандлар тарбиялашни ният қилади. Бола кўтарган ота-она, ниҳол ўтказаётган бобо-невара, уй қураётган ота-ўғил тасвирлари эса уларни яратувчиликка, бунёдкорликка ундайди.

Акбар РУСТАМОВ,
"Mahalla" мухбири.

МАҲАЛЛА КЎРКИГА КЎРК ҚЎШДИ

Узоқ йиллар эл-юрт хизматини қилган Собир ака Ортиқов бутунги кунда пенсияда бўлишига қарамай ҳамон яратувчилик ва бунёдкорлик иштиёқи билан яшамоқда. У анчадан буён нуронийлар дам оладиган маскан қуришни орзу қилиб юрарди. Яқинда унинг орзуси амалга ошди. Собир аканинг ташаббуси ва маблағи ҳисобига Вобкент шаҳри марказида «Нуроний» чойхонаси қуриб ишга туширилди. Чойхонада отахонлар вақтларини кўнгилли ўтказишлари учун барча шароит муҳайё этилган.

«Ёшлик» ўйингоҳи олдидаги боғда ҳашаматли тўйхона, унинг атрофида «Табиат саховати» дўкони, новвойхона ва бошқа қатор маиший хизмат кўрсатиш бинолари қад ростлаган эди. Улар қаторидан «Нуроний» чойхонасининг ўрин олиши «Тинчлик» маҳалласи кўркини янада очиб, аҳоли учун яна бир қулайлик юзага келди.

Маҳбуба ХОЛОВА.

Қўли гулдир ўзбек аёлин

ҚЎҒИРЧОҚЛАРИМ — ҚАДРДОНЛАРИМ

Бола улғайган сари тасаввури бойиб, дунёқараши кенгая боради. Жажжи юракка инсоний фазилатларни сингдирмоқ, маънавий оламини шакллантирмоқ учун мурғак қалбга эзгулик уруғларини жуда эрта қадамоқ даркор. Шу боис боғча ёшидаги болага ранг-баранг суратларга бой эртак китобларни ўқиб бериш билан бирга, асосан, ўйнайдиган ўйинчоқларига жиддий эътибор қаратиш лозим.

Бола тарбиясига доимо масъулият билан ёндашган халқимизда кичкинтойлар учун ўйинчоқлар ясаш азалазалдан одат тусига кирган. Бежирим миллий либослар ила безатилган, соф ўзбекона қиёфадаги қўғирчоқлар бола онгига миллий қадриятларни сингдиришда улкан аҳамият касб этади.

Гулираънонинг ҳам ёшлигида барча қизалоқлар сингари қўғирчоқ ўйнаш жону дили эди. Қўғирчоғига ўзи исм танлаб, қўйлакчалар тикиб, алла айтиб юрган қизчанинг улғайган сари уларни ўйнашга ҳожати қолмаган бўлса-да, қўғирчоқларнинг сирли олами Гулираънони ўзига жалб қилаверди. Энди унда миллий қўғирчоқлар ясаш, уларни ясатиш, безаклару қўйлакчалар тикишга ҳавас кучайди. Қалбидаги бу истак кейинчалик эҳтиёжга айлана борди. Гулираъно ясаган қўғирчоқлари нафақат ўзининг қалбини гўзалликка ошно этар, балки бошқаларнинг ҳам эътиборини тортарди. Ана шу пайтлар қиздаги ноёб истеъдод булоғи кўз очаётганини илк бор англаган инсон Манзура опа Юсупова бўлди.

— Устозим Манзура опа менга «Устоз — шогирд» анъанаси асосида қўғирчоқ ясаш сирларини ўргата бошлаганларида бу ҳунар кейинчалик ҳаётимнинг мазмунига айланишини ўйламаган эдим, — дейди Андижон вилояти Избоскан тумани Пойтуғ шаҳарчасида истиқомат қилувчи ҳунарманд Гулираъно Усмонова. — Ўзим мустақил равишда илк бор ясаган қўғирчоғимни кўриб жуда таъсирланиб кетдим. Ахир, унинг қоғоз ва лойдан ясаладиган танасидан тортиб, қўйлакчалару камзулчаларигача, оёғидаги маҳси калишчаларидан қулоғидаги сирғаларигача ўзим тайёрлагандим. Илк ижод намунам тайёр бўлгач, мени бу нафис ҳунардан хабардор этган устозим шарафига уни Манзур, деб номладим. Шундан сўнг ўзимга ишонч пайдо бўлди. Секин-аста ижодим кенгая борди. Бу касб ниҳоятда диққат-эътибор, сабр-бардош талаб этади. Юқорида айтганимдек, фақат қўл кучидан фойдаланганим, кўз нурим ва меҳримни бағишлаганим боис ясаган ҳар бир қўғирчоғим мен учун жуда қадрли.

Миллий ҳунармандчилигимизнинг энг нозик қирраси бўлмиш бу соҳага ҳам ҳукуматимиз томонидан катта эътибор қаратилган. Қаҳрамонимиз, мана, бир неча йилдирки, истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш ва миллий ҳунармандчилигимизни ривожлантириш мақсадида ташкил этиб келинаётган «Қўли гулдир ўзбек аёлин», «Ташаббус», «Келажак овози» каби турли-туман кўрик-танловларга қатнашиб келмоқда. Яқинда пойтахтимизда ўтган Халқаро туризм ярмаркасида ҳам иштирок этиб, ижод маҳсуллари билан чет эллик меҳмонларнинг назарига тушди. Бундан жуда руҳланган Гулираъно янги-янги режалар тузяпти, изланяпти, билимини оширяпти, маҳоратини ўстиряпти. Ўзбекнинг кенг-феъллиги, нафис санъатию, маданиятини ўзида жам этган миллий қўғирчоқларнинг дунё бўйлаб шуҳрат қозониши эса Гулираъно қалбидаги энг асосий мақсад. Шу билан бирга, ҳунарманд қиз ўз ижод намуналарининг фақат жавонлару пештахталарда савлат тўкиб туришини эмас, болажонларнинг булардан завқланишини, улар қалбига миллий қадриятларимизни сингдиришда руҳий-маънавий восита вазифасини ўташини жуда хоҳлайди.

Президентимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида: «...ўйинчоқ ва қўғирчоқларга тарихимиздаги ибратли қаҳрамонлар, халқимизнинг бой ва эстетик дунёсини акс эттирадиган персонажлар, миллий қадриятларимиз асос қилиб олинса, мақсадга мувофиқ бўлур эди», деб таъкидлайди. Айнан шу мақсад сари тиним-сиз изланаётган Гулираънога эса юксак ижодий парвозлар тилаб қоламиз.

Юлдуз ҲОЖИЕВА,
«Mahalla» мухбири.

Ўзбекистон халқ устаси Ҳасан Одилов ўттиз йилдан ортиқки ўймакор нақкошлик билан шуғулланиб келади. Ҳозирда уста 15 нафар шогирдларига ёғоч ўймакорлик санъатини ўргатиб келмоқда. Ҳасан ака Одиловнинг яратган асарлари қатор кўргазма ва танловларда муносиб ўринларни эгаллаб келмоқда.

© Фото-Носир Ҳайдаров

Жамғарма кўмагида

УЙ-ЖОЙЛАР ТАЪМИРЛАНДИ

Айни кунларда республикамиз маҳаллаларида кузги-қишки мавсумга тайёргарлик кўриш, айниқса, кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронлар, ёлғиз қарияларнинг тураржойларини таъмирлаш, тартибга келтиришдек хайрли ишларни амалга оширишда "Маҳалла" хайрия жамғармаси республика бошқаруви, унинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари томонидан беғараз ёрдам кўрсатилаётир.

Хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга кўмак бериш мақсадида жамғарманинг Тошкент шаҳар Ҳамза тумани бўлинмаси томонидан ажратилган 5 миллион сўмдан ортиқ маблағ эвазига Муқимий номидаги маҳалладаги 15 та кам таъминланган оиланинг уй-жойлари таъмирланиб, деворлари тиклаб берилди. Шу билан бирга, жамғарма ҳамда ҳомийларнинг маблағи эвазига тумандаги "Янги давр" маҳалласида яшовчи иккинчи гуруҳ ногирони, боқувчисини йўқотган Ақида Юсуповага уй-жойининг томини ёпиш учун шифер олиб берилди. Бундан ташқари Аҳмад Яссавий номидаги маҳаллада истиқомат қилаётган кам таъминланган Хадича Мирзааҳмедова оиласига қурилиш моллари, жумладан, шифер, ғишт, цемент, тахта, қум олиб берилди. Ҳозирда маҳалла фаоллари кўмагида ҳашар уюштирилиб, қўшимча янги, ихчам тураржой барпо этиш ишлари олиб борилмоқда.

— Ўзим II-гуруҳ ногиронман, турмуш ўртоғимнинг ҳам жисмоний имконияти чекланган, — дейди Х.Мирзааҳмедова. — Жамғарма ҳамда ҳомийлар ташаббуси билан бизга кўрсатилаётган беғараз кўмақдан бошимиз осмонга етди. Олиб берилган қурилиш материаллари туфайли янги уй қуряпмиз. Бу ишларда маҳалла фаолларининг ёрдамларидан миннатдорман.

Айни пайтда жамғарма мутасаддилари ташаббуси билан ҳомийларни жалб этган ҳолда тумандаги "Маърифат" маҳалласида яшовчи Инобат Абдазова оиласига ҳам уй-жойини таъмирлаш учун моддий ёрдам бериш чоралари кўрилаётир.

Р. ШЕРҚУЛОВ,
"Mahalla" мухбири.

Обод қишлоқлар

ҲАМЖИҲАТЛИК БОР ЖОЙДА ФАЙЗ-БАРАКА БЎЛАДИ

< [1]

— Супурилмаган хонадондан фаришталар қочади, — дейишади қишлоқ қариялари. — Шу боисдан қишлоғимиз файзли. «Қишлоқ одамлари кўпроқ қандай иш билан машғул?» деб сўрасангиз, кутилмаган жавобни оласиз: илм билан, дейишади. Қишлоқ аҳолисининг асосий қисми ўқимишли, зиёли экан. Ёшлари билимга жуда чанқоқ, ҳар йили қишлоқ мактабларини тугатган ўқувчиларнинг 80-90 фоизи олий ўқув даргоҳларига ўқишга кирар экан.

Қишлоқ фуқаролар йиғини фаолларининг ташаббуси билан ҳудудда 3 та спорт мажмуаси қурилибди. Уларда спортнинг барча турлари бўйича тўгараклар фаолият кўрсатмоқда. Бугун бу мажмуалар ёшларнинг энг севимли масканларига айланган. Бештерак қишлоғидаги эски ўйингоҳ айни кунларда ҳомийлар ёрдамида таъмирланаётган экан.

— Футбол жамоаси ташкил этмоқчимиз. Энг кучли таниқли спортчилар биздан чиққан, ахир. «Насаф» футбол жамоасининг мураббийи Рўзиқул Бердиев бизнинг қишлоғимиздан. Кураги ерга тегмаган Тошпўлат, Нурмамат полвонлар ҳақида эшитганмисиз? Улар энг кучли полвонларни ҳам доғда қолдиришган, — дейди оқсоқол. — Элимизнинг яна бир фазилати, жуда меҳнаткаш. Бир қарич ердан ҳам унумли фойдаланади.

Дарҳақиқат, қишлоқ одамлари томорқаларини гуллатиб қўйишган. Уларнинг тадбиркорлигию, ишбилармонлигига, ўзига хос деҳқончилик маданиятига қойил қолмасликнинг иложи йўқ. Сабзавот, полиз маҳсулотлари, турли кўкатлар турига қараб алоҳида-алоҳида экилганки, худди шахмат доскаси дейсиз.

Қишлоқ аҳли боғдорчиликнинг ҳадисини олишган. Томорқаларида полиз маҳсулотларидан ташқари, олма, узум, ўрик етиштирилади. Айниқса, узумчиликда бештеракликларга етадигани йўқ. Бу ерда узум жуда мўл бўлади. Китоб ҳамда қўшни Шаҳрисабз, Чироқчи тумани ва Қарши шаҳрининг бозорларини бештеракликлар узум билан таъминлайди, десак муболаға қилмаймиз. Бозордан орттани эса узум шинниси, майиз қилиб, қишга сақлаб қўйилади. Кўриниб турибдики, қишлоқ аёллари учун бу ҳам яхшигина юмуш. Бундан ташқари улар тикувчилик, каштадўзлик билан ҳам шуғулланишади. Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси хайрли бир ишга қўл урибди. Ҳунарманд Қутбинисо Алиевани қишлоқ фуқаролар йиғини идорасига таклиф қилиб, тикувчилик хонаси ташкил қилиб берибди. Айни пайтда Қутбинисо Алиева қишлоқ қизларига тикувчиликнинг сир-асрорларини ўргатаётган экан.

Бугунги кунда қишлоқ фуқаролар йиғини қошида 12 та комиссия фаолият кўрсатаётган бўлса, уларга қишлоқда обрў-эътиборга эга бўлган кишилар, қариялар аъзо қилиб олинган. Айниқса, Яраштириш комиссияси аъзоларининг ҳаммаси ҳаётда тажрибага эга бўлган, кўпни кўрган оқсоқоллардан иборат.

— Қадриятларимизга жуда катта эътибор билан қараймиз. Энг муҳими, кексаларнинг ҳурматини жойига қўйиш, уларнинг гапларига қулоқ тутиш ҳамма учун қатъий қоидага айланган, — дейди диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Матлуба Оқмирзаева. — Қариялар аралашган ҳар бир иш бизда ижобий якун топади. Бирор-бир муаммо ҳал қилинмасдан қолмайди. Шунинг учун бўлса керак, аҳолининг қишлоқ фуқаролар йиғинига ишончи баланд. Муаммолари бўлса туман ҳокимлигига ёки бошқа идораларга бориб юрмайди, тўғри фуқаролар йиғинига мурожаат этишади ва албатта, ечимидан кўнгиллари тўлиб қайтишади. Мана, масалан, ёлғиз она Сабоҳат опа тўнғич фарзанди Алишерни уйлантириш учун оқсоқолдан озгина қўллаб-қувватлашини сўради. Оқсоқол фаолларни йиғиб, кенгаш ўтказди. Тўйни биргалашиб ўтказиб беришга қарор қилишди. Фермерлар, тадбиркорлар ёрдам қўлини чўзишди. Сабоҳат опанинг бир умр эсида қоладиган чиройли тўй бўлди. Бундан ташқари бир қанча оилага қорамол ҳадя қилинди.

Карим ота келинига паррандачилик билан шуғулланиши учун кредит олиб беришга ёрдам сўраб келганди. Бу иш ҳам ижобий ҳал этилибди. Қишлоқда 15 кишига ана шундай кредит олиб берилди. Кимдир иссиқхона қурди, кимдир чорва олди. Хуллас, шунинг ҳисобидан рўзғорларини тиклаб олишди. Қишлоқда 30 дан зиёд тадбиркорлик субъектлари бор. Уларнинг ҳам ишларини бошлаб олишлари учун қишлоқ фуқаролар йиғини бош-қош бўлди.

— Бештеракда қурилиш, савдо ва хизмат кўрсатиш корхонасининг ишга тушгани аҳолимиз учун анча қулайлик туғдирди, — дейди меҳнат фахрийси Яхшибой ота Марқаев. — Аввалари бир киши уй қурмоқчи бўлса, Шаҳрисабз ёки Китоб тумани марказидан қурилиш материаллари олиб келиш учун анча харажатга тушар эди. Ҳозир шифер, цемент, ғишт ўзимизда ишлаб чиқариляпти. Нархи арзон, бундан ташқари, йўл харажатлари йўқ. Корхона бошлиғи Нормурод Йўлдошевнинг элимизга кўп фойдаси тегяпти. Ёрдам сўрасак, йўқ демайди.

Шу йилнинг ўзида қишлоқда 2 та маъданли сув ишлаб чиқарадиган корхона ва бошқа бир қатор хизмат кўрсатиш субъектлари ишга туширилиб, 100 дан зиёд киши иш билан таъминланди.

Қишлоқ катта, аҳоли кўп. Тинчлик-тотувликни таъминлаш мақсадида қишлоқ фаоллари уйма-уй юриб, хонадонларга кириб, одамлар билан суҳбат қуришади. Кимнингдир бирор ташвиши ёки муаммоси бўлса, биргаликда ечим топишади. Ҳамжиҳатлик, тотувлик, қадр-қиммат бор жойда файзу барака бўлади. Бештеракда бу умуминсоний қадриятлар юксак қадрланган боис ҳар бир кун осойишта, турмуш фаровон.

Санобар БОЙМУРОДОВА,
"Mahalla" мухбири.

Намунали маҳалла

ҲАР ҲОВЛИ БОҒУ ГУЛЗОР

Шарқ гавҳари, дея эътироф этилган Хивага шу маҳалла ҳудудидан кириб борилади. Йўл бўйлари чиройли, ҳушбўй гуллар, хиёбонлар эса мевали, манзарали дарахтлар билан қопланган. Кўчалар обод, хонадонлар саранжом-саришта. Эрта субҳидамда келинларнинг ҳовли олдига сув сепиб, супириб-сидириб юришларини кўрсангиз ҳавасингиз келади.

— Кўплар: "Қадим шаҳарга келиб кетадиган сайёҳлар шу маҳалладан ўтади. Озодалик, орасталикнинг боиси шу", дейишади. Аслида бу гап мутлақо нотўғри, — дейди "Янги ҳаёт" маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Шоназар Матёқубов. — Маҳалламиз тоза, озода бўлса, аввало, соғлигимиз мустаҳкам, умримиз файзли, ҳаётимиз гўзал бўлади. Қолаверса, ҳадиси шарифда: "Озода уйнинг эшигини фаришталарнинг ўзи очиб, бахт-иқбол улашади", дейилган. Каттаю кичкининг тозаликка, озодаликка эътибор беришидан оқсоқол сифатида қувонаман. Ахир, маҳалламиз номи "Янги ҳаёт" бўлгандан кейин турмуш тарзимиз, дунёқарашимиз, иш юритишимиз ҳам янгича, бошқаларга ибрат даражада бўлиши керак-да!

Оқсоқолнинг куюнчаклик билан айтганлари маҳалла фаолиятида намоён бўлаётганини кўриб хурсанд бўлдик. "Қани эди ҳамма маҳаллалар шундай кўркам бўлса", деган фикр ўтди хаёлимиздан.

Маҳаллада 800 дан зиёд оила мавжуд. Ҳовлилар олди боғу гулзор. Маҳалла гузари қадим шаҳар ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. Маданий-маиший, савдо шохобчалари аҳоли хизматида. Тўйхоналарда одамлар тўй шодиёналарини кўнгилдагидек ўтказишмоқда.

— Маҳаллада тинчлик, хотиржамлик, осойишталик барқарор бўлиши учун, аввало, аҳоли бандлиги масаласини ҳал қилиш керак, — дейди оқсоқол. — Бизнинг бу борадаги фикримиз, ҳаракатимиз, мақсадимиз қатъий: ҳеч бир хонадонда фуқаро ишсиз ўтирмаслиги керак! Ҳар бир оила учун алоҳида дафтар ташкил қилганмиз. Унда оила аъзолари, кимнинг қаерда ишлаётгани ёки ишга муҳтожлиги, қандай касб-корга эгалиги қайд этиб борилади. Шунга қараб иш тутамиз. Маҳалламиздан иш излаб хорижга кетганлар ёки шундай ниятда юрганлар йўқ. Касаначилик асосида ҳам ишлашни йўлга қўйганмиз. Яқинда яна бир ташаббусимиз амалга ошди. Туман хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда маҳалламиз ҳудудида маиший хизмат кўрсатиш корхонасининг бўш турган биносини таъмирлаб, у ерда 35 нафар хотин-қизни иш билан таъминладик. Рустам ака Собиров ўз фарзандлари Маматжон, Абдулла, Рўзиматбой билан "Устозшогирд" анъанаси асосида маҳалламиз ёшларига дурадгорлик сир-асрорларини ўргатмоқда. Матлуба Зарипова тикувчиликка, Сафо Бекжонов мисгарликка иштиёқманд ёшларни ҳунар ўрганишга жалб қилишди.

Маҳаллада ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлар ҳам ибрат олишга арзигулик. "Гулсевар оила" танловида Бахтиёр Оллоберганов оиласи, "Китобхон оила" танловида Давлатёр Раҳимов оиласи ғолиб бўлди.

Маҳалла оқсоқоли Шоназар Матёқубов тадбиркорлик соҳасида ҳам ўз имкониятларини намоён этди. У "Олтин воҳа" номли фирма ташкил қилиб, унда халқ ҳунармандчилиги бўйича хизмат турларини йўлга қўйди. Фирма фаолиятининг доврўғи хорижий мамлакатларгаям тарқалди. Бу ерда ишлаб чиқарилган чиройли совға буюмларини хориждан келган сайёҳлар ҳавас билан харид қилишмоқда. Яқинда у яна бир хайрли ишга қўл урди. Ҳомийлар кўмагида махсус транспорт воситаси сотиб олди. Эндиликда чиқиндиларни ўз вақтида белгиланган жойга чиқариб ташлаш муаммоси тўла ҳал этилди. Маҳаллада якка-ёлғизлар, ногиронлар, фахрийлар ҳолидан мунтазам хабар олиб турилади. Жуманазар Бобожонов, Бахтиёр Нурматов, Рустам Собиров, Жуманазар Отажонов каби саховатли инсонлар ўз ёрдамини аямай келишяпти. Маҳалланинг ободлиги ва орасталигида ҳам уларнинг ҳиссалари бисёр.

"Янги ҳаёт" маҳалласи яқинда энг ибратли маҳаллалардан бири сифатида "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими томонидан компьютер жамламаси билан мукофотланди. Бу каби эътибор ва эътироф маҳалла аҳлининг эзгу ишларига қанот бўляпти.

Абдулла САФОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Маҳалламиз ёшлари

МУВАФФАҚИЯТЛАР ГАРОВИ

Ҳумоюн Хосимов пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани «Шодлик» маҳалласидаги 276-умумтаълим мактабида таҳсил олади. Унинг болаликдан спортга иштиёқи баланд. Мамлакатимизда спортга бўлган эътибор, қолаверса, истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлаш у каби ёшларни фаолликка, ташаббусга ундади.

Юртимизда ўтказилаётган турли спорт мусобақалари Ҳумоюн сингари минглаб ёшларни кашф қилди. Жумладан, биргина Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва турли ҳомий ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган «Футболимиз келажаги» турнири ҳам том маънода истеъдодларни юзага чиқарадиган, ёшларнинг катта қисмини қамраб олган оммавий спорт тадбирларидан бирига айланди, десак муболаға бўлмайди.

Хусусан, бу йилги турнирда 8450та маҳаллада маҳаллалараро, 4470та маҳаллада туманлараро мусобақалар бўлиб ўтди. Уч ёш тоифасида ўтган мусобақаларда юртимизнинг 1 миллион 17 минг нафардан зиёд ёшлари иштирок этишди.

— Ўтган йили маҳалламиз ёшлари билан биргаликда ушбу турнирнинг финал босқичини томоша қилгани боргандик, — дейди «Шодлик» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Мирхалил Мирсодиқов. — Мусобақани кузатган болалар маҳалламизда ҳам худди шундай жамоа тузиш таклифини билдиришди. Бу таклиф менинг ҳам кўнглимдаги ният эди. Шундан сўнг тезда жамоа тўплашга киришдик. Ҳумоюн ўзига ўхшаган футболни севувчи дўстларини етаклаб келди. Мен улардаги шижоат ва иштиёқни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилдим. Уларга машғулот ўтказиш учун мураббий тайинладик. Жамоа аъзолари қиш фаслида мактабнинг спорт залида, ёзда маҳалладаги футбол майдончасида машғулотлар олиб боришди.

Ҳаракатда баракат бор, деб бежиз айтишмаган. Маҳалла ёшларидан иборат жамоа бу йилги турнирда маҳаллалар ва туманлараро беллашувда ғолиб чиқиб, шаҳар, сўнгра республика босқичига йўлланма олишди. Бу ташаббускор жамоа республика босқичида 13-14 ёшлилар орасида фахрли 3-ўринга эга бўлишди.

— Андижон вилоятида бўлиб ўтган мусобақадан умидимиз катта эди, — дейди Ҳумоюн. — Бироқ 3-ўрин ҳам ёмон натижа эмас. Албатта, бундай муваффақиятга эришишимизда маҳалламизда бизга яратилган қулайлик ва имкониятлар ҳам катта фойда берди. Бундан кейин ҳам шижоатимизни сусайтирмасдан кейинги йилги турнирда муносиб иштирок этиш учун ҳаракат қиляпмиз.

Маҳаллада бугунги кунда 7 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилаётган бўлса, шундан 2500 нафарга яқини ёшлардан иборат. Маҳалла ёшлари биргина спорт билан чекланиб қолмай, бошқа соҳаларда ҳам ўз иқтидорларини намоён этишга аҳд қилишган.

— Мактабимизда 800 нафарга яқин йигит-қизлар таълим-тарбия олишмоқда,— дейди маҳалла ҳудудида жойлашган 276-умумтаълим мактаби директори Самир Раҳматуллаев. — «Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги» концепцияси асосида маҳалла фаоллари билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Мактабимизда иқтидорли ўқувчилар кўп. Уларнинг аксарияти фан олимпиадаси ва танловларда иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритишган. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳам бизнинг асосий вазифамиз сирасига киради. Шу боис маҳалла билан ҳамкорликда ўндан ортиқ тўгаракларни ташкил қилганмиз. Бу тўгаракларда ёшлар фойдали ҳунар эгаллаш билан машғул бўлишади.

— Яқинда бир гуруҳ юқори синф ўқувчилари ёнимга келиб, маҳалла қошида ўқув курси ташкил қилиш таклифини беришди. Бу таклифни ўрганиб чиқиб, ёшларнинг фикрларини ўртага ташлаб ўқув курси очиш режасини ишлаб чиқдик. Бу курсни ташкил қилишимиз баробарида, маҳалла ёшлари учун янада кенг имконият яратилади, — дейди маҳалла йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалари бўйича маслаҳатчиси, Ёшлар ва вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси раиси Раъно Исоқова.

Маҳалла ёшлари ҳудудда амалга ошириладиган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида, ҳашар тадбирларида ҳам фаол иштирок этишади. Уларнинг саъй-ҳаракати билан маҳалла идорасига кирадиган шоҳ кўчалардан бири кенгайтирилиб таъмирланди.

Ёшликни шиддат билан тўлиб-тошиб оқаётган дарёга қиёлаймизки, бу даврда олинган билим ва кўникма тафаккурга муҳрланади, ташаббускорлик ва изланиш эса келажак учун пойдевор бўлади. «Шодлик» маҳалласи ёшлари ҳам мана шу ҳақиқатни англаган ҳолда эртанги кун учун пухта замин яратмоқдалар. Маҳалла ва мактаб мутасаддилари эса бу илғор йигит-қизларнинг орзу-истакларига ҳамиша хайрихоҳ. Ёшлар эришаётган кичик ютуқлар катта муваффақиятлар эшигини очиши, шубҳасиз.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Mahalla» мухбири.

Раис сўз сўрайди

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАСЛИКДА

Ўзбек маҳаллалари азалдан миллий қадриятларимиз бешиги бўлиб келган. Қон-қонимизга сингиб кетган ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, тотувлик, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, тўй-томоша тадбирлари ҳамда ҳашарларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказишдек урф-одатларимиз маҳалладек қутлуғ масканда шаклланган.

Фарғона вилоятининг Қўштепа туманидаги "Янгидўкон" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳунармандлар кўп. Улар зардўзлик, дурадгорлик, чеварчилик, дўппидўзлик, тўндўзлик, адрас тўқишнинг моҳир усталаридир.

СУРАТДА: *адрас тўқувчилар (чапдан) Гулчеҳра Орипова ва Гулнора Орипова иш пайтида.*

М. Қодиров (ЎзА) олган сурат.

Мингбулоқ тумани Жомашўй шаҳарчасида жойлашган «Мустақиллик» маҳалласи ҳам ислоҳотлар самараси туфайли кўркамлашиб бораётир. Халқимизнинг бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик, саховат ва меҳр-оқибат каби эзгу фазилатларини янада юксалтиришдек, кўчалар, аҳоли тураржойларини ободонлаштиришдек эзгу ҳаракатларимиз маҳалладаги нуронийлар ва фаоллар кўмагида изчил амалга оширилиб келинмоқда.

Маҳалламиздаги кўпқаватли уй-жойларда ҳозирги кунда етти миллатга мансуб 3900 нафардан зиёд аҳоли тинч-тотув, ўзаро иноқлик ва аҳилликда истиқомат қилмоқда.

Бугун бу масканда амалга оширилаётган ўзгаришларни, янгича кўриниш касб этган маҳалла фуқаролар йиғини идорасини, кўчаларнинг саранжом-саришталигини кўрган одам ҳайратланиши шубҳасиз.

Ўтган давр мобайнида маҳалламизда ёшларимизнинг келажакда комил инсон бўлиб вояга етишларини таъминлаш мақсадида 1 та мактабгача таълим муассасаси, 1 та умумтаълим мактаби, 1 та ўрта махсус касб-ҳунар коллежи бунёд этилди. Қолаверса, 20 дан ортиқ савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга туширилди.

Жорий йилда тадбиркор Равия Миралиеванинг саъй-ҳаракати билан маҳалламиз аҳолисини қишлоқ хўжалик экинлари, уруғ ва кўчатлар билан узлуксиз таъминлаш шохобчаси, «Олимхон — Атҳамжон» корхонаси томонидан «Нуроний» дўкони барпо этилди. Ҳозир ушбу дўконда аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари 10 фоизга арзонлаштириб сотилмоқда.

Яқинда ҳудудимизда маҳалламиз кексалари, фуқаролар ҳамда тадбиркорлар кўмагида жами 3,7 км. узунликдаги ичимлик суви қувурлари тортилди, 1 км. масофага тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. Айни пайтда аҳоли ташаббуси билан 5 км. масофадаги ички йўлларни замон талаблари асосида таъмирлаш ишлари ташкиллаштирилмоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғинида маънавий-маърифий соҳада амалга оширилаётган ишларнинг кўламини кенгайтириш мақсадида маслаҳатчи Хосиятхон Эргашева ташаббуси билан ҳафтанинг ҳар пайшанба куни «Маънавият соатлари» ташкил этилган.

Маҳалла фаоллари ҳамда маслаҳатчилари ҳудуддаги нотинч оилалар билан ишлаш ва намунали оилалар тажрибаларини оммалаштириш мақсадида «Оила» илмий-амалий маркази, «Тадбиркор аёл» уюшмаси билан мунтазам ҳамкорликда фаолият олиб боришмоқда.

Ёшларни маънан етук, жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, улар қалбига она-Ватанга муҳаббат, урф-одат ва қадриятларимизга ҳурмат туйғусини сингдиришда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими, тумандаги таълим муассасалари билан узвий алоқа ўрнатилган.

Маҳалла фуқаролар йиғинининг асосий вазифаси — аҳоли билан ҳамнафас бўлиб, муаммоларни бартараф этишда уларга кўмак беришдир. Бунинг учун аҳоли ўртасига, ҳар бир оилага кенгроқ кириб боришимиз лозим. Биз зиммамиздаги бу каби устувор вазифаларни чуқур ҳис этган ҳолда меҳнат қилмоқдамиз.

Йўлдошали ЎРИНОВ,
Жомашўй шаҳарчаси
«Мустақиллик» маҳалласи
фуқаролар йиғини раиси.
Наманган вилояти.

Обод кўча эгалари

КЎРКАМ ВА ОРАСТА

Сўнгги икки йил ичида маҳалламизда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Биргина мен бош бўлган Шароф Нодиров номли кўчадаги мактаб ва болалар боғчаси реконструкция қилинди. Ҳудуддаги таъмирталаб йўллар асфальтланди. Яроқсиз ҳолга келган йўлаклар бетонланиб, янгича қиёфа касб этди.

Ноқонуний қурилган иморатлар, уйлар ва ҳовлиларни тўсиб турган кўримсиз бинолар бузилиб, атрофи тозаланди. Тураржой бинолари таъмирланиб, четлари ободонлаштирилди. Дарахт ва гул кўчатларига шакл берилди. Уйларнинг ташқи тарафи ҳамда ҳовли ичида фойдаланилмаётган ерлар маҳалла ёшлари ва боғбонлар кўмагида тартибга келтирилди. Бу ерларга мевали дарахт ҳамда ток кўчатлари ўтқазилди. Уларнинг парвариши назоратга олинди. Кўча бўйлари ва ҳовлиларда гулзорлар кўпайди. Шу кунларда ҳам ҳовлиларда яшнаб турган хонгулини кўрган, райҳоннинг ҳидини туйган кишининг баҳри дили очилади.

Кўчамиз Дўстлик шаҳрининг қоқ марказида жойлашган бўлиб, унда 1,5 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Кўча ҳудудида 7 та икки қаватли тураржой биноси, 6 та хонадонга мўлжалланган махсус уй, ҳар бирида иккитадан оила истиқомат қиладиган 41 та коттеж мавжуд. Дорихона, 2 та савдо дўкони, умумий овқатланиш, маданий-маиший шохобчалар ҳамда мобил телефон хизмат нуқтаси аҳоли хизматида. Яқинда кўча оралиғида қурилаётган бозор фойдаланишга топширилади. Натижада аҳолининг мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи шу ернинг ўзида қондириладиган бўлди.

Саидназар Мусаев, Мирза Тугалов, Абдужалил Алиқобилов, Тоҳир Ғаниев ва Шукур Исоқуловга тегишли ҳовли-жойлардаги орасталик нафақат маҳалламиз, балки шаҳримиз ва туманимиз кўркига кўрк қўшиб турибди. Кўпни кўрган кайвониларнинг олиб бораётган тарғибот ишлари катта самара бериб, кўркам ҳовлилар сони кўпаймоқда.

Айни пайтда кўчамизда тураржой биноларидаги электр ва газ тармоқлари мутахассислар кўригидан ўтказилмоқда. Коммунал хизмат шохобчаларининг кузги-қишки мавсумга тайёргарлиги бўйича қилинаётган ишлар ҳам ниҳоясига етяпти. Кўчамиздаги катта босим ва қувватга эга бўлган газ ҳамда электр ўзанлари ҳолатига халақит берадиган тўсиқлар олиниб, симёғочларни тўсиб қўйган дарахт шохлари ҳашар йўли билан қирқиб чиқилди.

Коммунал хизматлар тўловлари бўйича узлуксиз иш олиб бораётганимиз учун қарздорлик камайиб, хизмат кўрсатиш сифати анча яхшиланди. Кўча ва унинг атрофида хавфсизликни таъминлаш, аҳоли ўртасида жамоат тартибини сақлаш юзасидан ўтказилаётган тадбирлар натижасида тартиббузарликлар ўтган йилга нисбатан 1,3 бараварга камайди. Профилактика нозири ва маҳалла посбонлари билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйганимиз учун ҳудудимизда доимо осойишталик ҳукмрон.

Бугунги кўча бошлиғи кўчанинг санитария меъёрларини сақлаш учун ҳам жавобгар. Шу боис тез-тез ҳашарлар ўтказиб турамиз. Кейинги йилларда туман миқёсида бўлиб ўтган кўрик-танловларда кўчамиз бир неча марта энг обод кўча, деб топилиб, туман ҳокимияти, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмасининг дипломларига сазовор бўлди. Эндиги вазифамиз вилоят ва мамлакат миқёсида ўтадиган танловларда иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритишдир.

Кўчим ЖАББОРОВ,
Жиззах вилояти Дўстлик шаҳрининг
Алишер Навоий номидаги маҳалласи
кўча бошлиғи.

Сиз қандай йўл тутган бўлардингиз ?

МУРОСА — НИЗОЛАР ЕЧИМИ

— Сиз уй бошлиғи бўлган кўпқаватли уйда икки қўшни аёл болалари сабабли жанжаллашиб қолишди. Уларни муросага келтириш учун қандай йўл тутган бўлардингиз?

Зулфира СУЛТОНОВА, Ҳамза тумани Бобур номидаги маҳалла уй бошлиғи:

— Маҳалламиз асосан, кўпқаватли уйлардан иборат. Мен уй бошлиғи бўлган 1-уйда 90 га яқин хонадон бор. Бу уйда яшовчи хонадон эгалари турли миллат вакилларидан ташкил топган.

Кундалик ҳаётимизда, ён-атрофимиздаги оилалар ўртасида гоҳида келишмовчилик, қўшнилар орасида зиддиятлар бўлиб туради. Айниқса, фарзандлари ўртасига тушиб, уларнинг ёнини олиш оқибатида баъзи ота-оналар ҳам «сан-ман»га бориб қолишади. Бундай пайтда мен маҳалла фаоли, уй бошлиғи сифатида бу қўшниларга тўғри маслаҳат бериб, муросага келтиришим зарур.

Яқинда бир хонадон соҳиби ёнимга келиб, 12 яшар ўғли қўшнининг боласи билан ёқа юлишгани ва жароҳат олганидан шикоят қилиб қолди. Менинг гувоҳ сифатида қатнашишимни талаб қилиб, қўшнисининг боласини «милицияга топшираман», деб дўқ қилди. Бу воқеадан хабар топгач, иккинчи бола билан суҳбатлашиш учун хонадонига бордим. У билан гаплашиб, воқеага гувоҳ бўлган тенгдошларининг сўзларини тинглаб, тафсилотни ўргангач, икки ўсмир ва уларнинг оила аъзоларини бир-бири билан юзма-юз қилиб, масалани ойдинлаштирдик. Болаларнинг ҳар иккиси қилган ишидан пушаймонлигини айтиб, узр сўради.

Ҳар куни эрталаб уй атрофларини кузатиб юрганимда, бу болаларнинг биргаликда шоду хандон мактабга йўл олганини кўриб, хурсанд бўламан. Агар бироз шошма-шошарлик ва қизиққонлик билан хатога йўл қўйилганда ўсмир ёшлар ва уларнинг ота-онаси қалбида битмас жароҳат қолиши мумкин эди.

Замира ЖУМАЕВА, Шайхонтоҳур тумани, «Чақар» маҳалласи уй бошлиғи:

— Маҳалламизнинг Самарқанд дарвоза кўчасидаги кўпқаватли 3-«Б» уйда 48 та хонадон бор. Аҳолининг аксарияти турли миллат вакилларидан иборат. 12 қаватдан ташкил топган уйда битта йўлак мавжуд. Унга йўлакбоши сифатида ибратли оила вакиласи Меҳринисо Кароматовани тайинлаганмиз. Бир куни Меҳринисо икки нафар ёш она болалари сабабли айтишиб қолгани, бири бирини кўрса тескари бурилиб кетаётганидан хабар топибди. Воқеа тафсилоти эса қуйидагича: икки қўшни 3-4 ёшли фарзандларини болалар боғчасидан олиб қайтаётганда уй олдидаги ўйингоҳда бироз дам олишади. Болалар арғимчоқда учаётиб, бири иккинчисини бехосдан туртиб юборган. Жигаргўшаси йиғлаётганини кўрган она қўшнининг боласига тарсаки туширган. Шундан сўнг бу икки аёл ўртасида жанжал чиққан.

Бола дегани фариштадек беғубор бўлади. Бир қараса жанжал қилиб, бир қараса бирга ўйнаб кетаверади. Буни ақли расо, узоқни кўра биладиган оналаргина тушуниб етади ва боланинг орасига тушмайди. Ўз ўрнида, бундай ҳолатларни ширинсўзлик, яхши насиҳатлар билан жанжалсиз ҳал қилса бўлади.

Бу ҳақда эшитиб, икки она билан учрашдим. Бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака кетишини тушунтирдим. Акс ҳолда, уларнинг муносабатини йиғилиш муҳокамасига қўйиб, уялтиришимни айтдим. Бу қўшнилар ўз хатоларини англаб, муросага келишди.

Тинчликка, хотиржамликка нима етсин. Ҳар ойда икки маротаба хонадонларда яшовчилар билан бўладиган давра суҳбатларида ҳам ана шу эзгу ниятларни таъкидлаймиз.

Гўзал тайёрлади.

Маслаҳатчи минбари

ТЎЙ — ЭЗГУ НИЯТЛАР РЎЁБИ, АММО...

Халил ака билан Раҳмон ака ёшликдан қалин дўст эди. Кейинчалик дўстлик иплари қариндошлик ришталарига уланди. Раҳмон ака ўғилларидан бирига дўстининг яккаю ягона қизини келин қилди. Вақти келиб икки ёш фарзандли бўлишди.

Халил ака дарҳол бешик тўйи тараддудига тушиб қолди. Тўғрида, биттаю битта қизи бўлса, бошқаларга ўхшаб неварасининг ёши ўтгандан сўнг бешик кўтариб борса, кўрганлар «орзу-ҳаваси йўқ экан», деб кулмайдими? Шу ўй таъсирида у қудасиникига йўл олди.

— Яхши ўйлабсиз, қуда, — дея сўз бошлади Раҳмон ака дўстининг муддаосини эшитгач. — Аммо... биласиз, куёвингизга уй-жой қуриш учун ер олиб қўйгандик. Ҳар ҳолда, янги рўзғор, уй-жой тиклашда анча қийналиб қолишди. Кейин... Кичик ўғлимизни уйлашга ҳам ҳаракат қилиб юрибмиз. Шунга... Хўп десангиз, тўйга деб йиққан пулларингизни ёшларнинг уй-жой қурилишига сарфласак. Албатта, биз ҳам қараб турмаймиз. Бир кунлик тўй ўтади-кетади. Уй қурсак, эртага фарзандларимиз мазза қилиб яшайди. Бешикка келсак, боя айтганимиздек, эрта-индин кичигимизни ҳам уйлантирамиз. Ўша тўйга карнай-сурнай билан бешикни кўтариб келасиз...

Маслаҳат баҳсга, баҳс жанжалга айланди. Раҳмон ака кўп исрофгарчилик қилмаслик, фарзандларининг эртаси, хотиржамлигини ўйласа, Халил ака нуқул дабдабали тўй қилиб, обрў орттириш ҳақида гапирарди. Натижада маслаҳат оши «тагига олди». Халил ака қизи ва неварасини олдига солганча бу хонадондан чиқиб кетди.

Бу оилани яраштириш учун кўп елиб-югурдик. Аммо келиннинг ота-оналари оёқ тираб туриб олишди. Маҳалламиз фаолларининг ҳам бу борадаги уринишлари бесамар кетди.

Ниҳоят, сўнгги бор маҳалламизнинг обрўли отахонларидан бири Қодир бобо Саломов билан улар хонадонига йўл олдик. Аввалига мезбон сўзларимизни эшитишни ҳам истамади.

— Яхши, — деди Қодир бобо. — Сен қизингни ажратиб олавер. Аммо билиб қўй: чиққан қиз чиғириқдан ташқари. Хўш, сен бугун борсан, эртага-чи? Қизинг укасиникида сиғинди бўлиб қолаверадими? Сен эса дабдабали тўйлар билан обрў орттирмоқчисан? Марҳамат.

Ана шу гаплардан сўнг Халил ака шаштидан тушди.

Ҳа, бир кунлик тўй ўтади. Аммо баъзида унинг ортидан келадиган ғалвалар бир умр юракда қора доғ бўлиб қолиши мумкин. Шу боис ҳам маҳалламизда тўйларни дабдабасиз, камчиқим ўтказиш мақсадида Розиқ Воҳидов бошлиқ отахонлар хонадонларда бўлиб, бу борада аҳолига керакли маслаҳатлар бериб боришмоқда.

Албатта, ҳар кимни тўйга етказсин. Аммо турмуш қураётган ёшлар янги оила барпо этишга тайёрми? Афсуски, баъзи одамлар қизларини ҳали ҳаёт ҳақида тушунчага эга бўлмай туриб узатишади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш борасида ҳар бир хонадонда, маҳалла гузарида никоҳ ёши, тўйдан олдинги тиббий кўрикнинг аҳамияти, қариндошлар никоҳининг келгусида туғилажак болага салбий таъсирлари ҳақида тушунтиришлар олиб боряпмиз. Ёш қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш учун йиғин ҳузурида «Оила мактаби» ташкил этиб, унда қизлар психолог врач маслаҳати курсларини ўтишдан ташқари, Муҳайё Сафарова, Дурдона Нозимова сингари усталардан патдўзлик, пишириқпазлик ҳунарларини ўрганишмоқда.

Қолаверса, йиғин фаоллари қизларнинг эрта турмушга чиқиши олдини олиш борасида амалий ишга ҳам қўл уришмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 16 ёшда турмушга узатилаётган икки нафар қизнинг тўйи жамоатчилик назорати таъсирида кейинга қолдирилди. Бу даврда янги қурилган йигирма нафар ёш оила вакилларининг тўйдан олдин тиббий кўрикдан ўтишлари таъминланди.

Тўйлар — тинч, фаровон муҳитда умр кечираётган халқнинг тантанаси, эзгу ниятлари рўёби, қувонч-шодликлар, яхши ниятлар инъикоси. Бас, шундай экан тўйларимизни файзли, дабдабасиз, ортиқча кўнгилхираликларсиз ўтказайлик.

Хушвақт ШАРОПОВА,
Вобкент туманидаги «Қалти» маҳалласи фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.

TOSHKENT SHAHAR YAKKASARAY
"BOBUR"
MAHALLASI

© фото-Носир Ҳайдаров

Яккасарой туманидаги Бобур номидаги маҳалла пойтахтимиздаги кўркам масканлардан биридир. Бугунги кунда 2075 та хонадонда 5700 нафардан ортиқ аҳоли фаровон ҳаёт кечирмоқда. Аҳолига барча шароит ва қулайликлар мавжуд. Ҳудудда 2 та мактаб, 2 та боғча, 1 та оилавий поликлиника ҳамда 16 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари аҳоли хизматида.

СУРАТДА: *оқсоқол Завқи Хидиров маҳалла сардори Элёр Ботиров, маслаҳатчи Дилбар Тўрабоева ҳамда маҳалла фаоли Собир Ҳасанов билан.*

Молия муассасаларида

МИЖОЗЛАРДА ИШОНЧ, ХИЗМАТДА СИФАТ ОРТМОҚДА

Бугунги кунда мамлакатимиз банк тизими халқаро молия бозорида ўз ўрнига эга экани маълум. Муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган инқирозга қарши чоралар дастури натижасида молия муассасалари фаолияти барқарорлиги таъминланиб, айниқса, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларининг ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИ

Андижон ёшлар маркази

"Асака" Давлат-акциядорлик тижорат банки мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутадиган молия институтларидан биридир. Банк томонидан амалга оширилаётган қатор ишлар ҳақли равишда эътирофга лойиқ кўрилмоқда. Буни банкнинг Андижон вилоят филиали фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

Вилоят филиалининг бевосита мадади билан Андижонда қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Вилоятда дунёвий нуфузга эга бўлган корхоналар фаолиятига молиявий кўмак бериш, иқтисодий барқарорлигини таъминлашда банкнинг ҳиссаси катта.

Эътиборлиси, бугунги кунда мазкур банк бўлимлари ва филиаллари томонидан кўрсатилаётган хизмат турлари йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Бу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, «Асака» Давлат-акциядорлик тижорат банки нафақат бизда, балки дунёда ҳам ишончли банклардан бири сифатида тан олинаётир.

Банк мижозларга янгича услубда, тезкор ва сифатли хизмат кўрсатадиган йирик молиявий муассасага айланган. Эндиликда ўз хизматлари билан қамраб олиш мақсадида банк республикамизнинг барча ҳудудларига, ҳатто узоқ қишлоқларига ҳам кириб борди.

Ушбу молия институти юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларда ҳам фаол иштирок этмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 18 июнда Андижон вилояти бўйича қабул қилган «Андижон вилояти турар-жой массивларининг коммунал инфратузилмасини жадал ривожлантириш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида вилоятда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилишида "Асака" банкнинг Андижон вилоят филиалининг алоҳида ўрни бор. Чунончи, банк томонидан Президентимизнинг қарори ижросини таъминлаш юзасидан кичик ва хусусий бизнес субъектларига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилиши учун жами 350 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди ва ҳозирда ушбу кўрсаткични ошириб бориш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

«Асака» банки вилоят филиали томонидан хизмат кўрсатилаётган мижозлар сони 2010 йил 1 октябрь ҳолатига кўра 62 119 нафарни ташкил этганини алоҳида таъкидлаш лозим. Шундан 58 318 нафари жисмоний шахслар, 3801 нафари эса юридик шахслардир. Вилоят филиали таркибида 2 та филиал, 13 та минибанк, 11 та жамғарма касса ҳамда 76 та махсус касса шохобчалари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Филиал томонидан 2010 йилнинг тўққиз ой якуни бўйича қатор ижобий кўрсаткичларга эришилди. Жумладан, банк кредит қўйилмалари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 45,7 фоизга оширилиб, жами кредит қўйилмалари 38,7 миллиард сўмни ташкил этди, шундан банк кредит портфелининг асосий салмоғи узоқ муддатли кредитларга тўғри келмоқда.

Ўтган йил давомида банк томонидан ишлаб чиқилган кредит сиёсатидан келиб чиққан ҳолда вилоятда фаолият кўрсатаётган ва ўз фаолиятини йўлга қўяётган кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиб, шу йўналишда 8,4 миллиард сўм миқдорида кредит берилди. Мазкур маблағлар, асосан, ишлаб чиқариш, паррандачилик, чорвачилик, савдо, маиший хизмат ва бошқа турдаги фаолиятларни ривожлантиришга йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида иқтисодиётнинг реал секторида фаолият кўрсатаётган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш учун жами 4,2 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Ушбу маблағлар, асосан, корхоналарнинг айланма маблағларини тўлдириш ва технологик ускуналарни сотиб олишга йўналтирилди.

«Асака» банки вилоят филиали томонидан хизмат кўрсатилаётган мижозлар сони 2010 йил 1 октябрь ҳолатига кўра 62 119 нафарни ташкил этганини алоҳида таъкидлаш лозим. Шундан 58 318 нафари жисмоний шахслар, 3801 нафари эса юридик шахслардир. Вилоят филиали таркибида 2 та филиал, 13 та минибанк, 11 та жамғарма касса ҳамда 76 та махсус касса шохобчалари фаолият кўрсатиб келмоқда.
Филиал томонидан 2010 йилнинг тўққиз ой якуни бўйича қатор ижобий кўрсаткичларга эришилди. Жумладан, банк кредит қўйилмалари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 45,7 фоизга оширилиб, жами кредит қўйилмалари 38,7 миллиард сўмни ташкил этди, шундан банк кредит портфелининг асосий салмоғи узоқ муддатли кредитларга тўғри келмоқда.

Ёш оилаларни молиявий қўллаб-қувватлашга доир Юртбошимиз томонидан қабул қилинган қарор ва фармонлар ижросини таъминлаш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, филиал томонидан ёш оилаларга 2,5 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Бундан ташқари нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини ривожлантириш мақсадида 2010 йил 1 октябрь ҳолатига жами 57687 дона пластик карточка муомалага чиқарилиб, улардан фойдаланувчи мижозларга кенг қулайликлар яратиш учун савдо ва хизмат кўрсатиш жойларида 560 дона терминал ўрнатилди. Шундан 510 донаси савдо терминали, 50 донаси коммунал ва касса терминалларидир. Шу билан бирга пластик карточкадан фойдаланувчиларга қулайлик яратиш мақсадида филиал томонидан 4 банкомат ҳамда 4 дона инфокиосклар хизмат кўрсатмоқда.

Аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этиш, шу орқали банк ресурс базасини ошириш, нақд пул тушумини кўпайтириш мақсадида Юртбошимизнинг 2008 йил 20 февралдаги «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги» қарори асосида жорий йилнинг ўтган ойлари давомида 4340 миллион сўм миқдорида аҳоли омонатлари жалб этилди. 2010 йил 1 октябрь ҳолатига омонатлар қолдиғи 10639,1 миллион сўмни ташкил этди. Аҳоли бўш маблағларини жалб этиш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида банк томонидан «Тадбирли», «Манфаатли», «Парвоз» сингари омонат турлари жорий этилган.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда «Асака» банкнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда кенг кўламли ишлар олиб бораётгани мижозлар сонининг ортиб боришида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис тадбиркорлик фаолиятини юритаётган ёки эндигина ўз бизнесини йўлга қўяётган фуқаролар ишончли ҳамкор сифатида «Асака» банкини танлашаётир. Зеро, банк учун мижознинг талаб ва истаклари бирламчи аҳамият касб этади. Бундан бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас.

Ўктам ХУДОЙҚУЛОВ,
«Mahalla» мухбири.

Дунёдан дараклар

ЯНА БИР КЕМА ГАРОВДА



Сомалилик қароқчилар бортида 24 нафар экипаж аъзоси бўлган Грециянинг «Полар» кемасини гаровга олгандан сўнг, улар асирда ушлаб турган одамлар сони 519 нафарга етди. Ecoterra ташкилоти маълумотларида айтилишича, босқинчилар қўлида бундан ташқари 29 та кема ва битта биржа ҳам бор.

ИТАР ТАСС хабарида айтилишича, «Полар»да 16 нафар Филиппин, тўрт нафар Черногория, уч нафар Греция ва бир нафар Руминия фуқароси бўлган. Панама байроғи остида ҳаракат қилаётган озиқ-овқат ташувчи бу кема Россиядан Сингапурга йўл олган эди.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ БОШЛАНДИ

Хитойда кейинги ўн йилда биринчи марта аҳолини рўйхатга олиш бошланди. BBC хабарида айтилишича, бу ишга 6 миллион нафар киши жалб этилган. Рўйхатга олишни ўтказишдан мақсад, аввало мамлакат аҳолисининг қанча эканлигини аниқлашдир. Тахминларга қараганда, Хитойда айни пайтда бир миллиард 300 миллион нафар аҳоли истиқомат қилади. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам мамлакат ҳудудида яшамайди. Тахминан 200 миллион нафар аҳоли иш излаб турли давлатларга чиқиб кетган.

Мутахассисларнинг айтишича, аҳолини рўйхатга олиш жараёнида шу каби саволларга ойдинлик киритилади. Шунингдек, аҳолининг неча фоизи қишлоқда ва неча фоизи шаҳарда яшашини аниқлаш ҳам мамлакат иқтисоди учун муҳим аҳамиятга эга.

ЎЙИНЧОҚДА КИМЁВИЙ МОДДАЛАР?!...

«Warentest» фонди мутахассислари ўтказган тест натижаларига қараганда, Германияда 3 ёшгача бўлган болалар учун ишлаб чиқарилган ўйинчоқларнинг 80 фоизи фойдаланишга яроқсиз. Фонд ходимлари 50 та ўйинчоқни текшириб кўришганда, уларнинг 42 тасида кимёвий модда борлиги аниқланди.

Фонд мутахассисларнинг фикрича, кўпроқ пластмасса ва ёғочдан ясалган ўйинчоқлар болалар соғлиги учун хавфлидир. Шу пайттача кўплаб ота-оналар айнан ёғоч ўйинчоқларни зарарсиз, деб ҳисоблашарди.

Тест натижаларида таъкидланишича, «Eichhorn», «Plan Toys», «Selecta» ва «Lissi» фирмалари ўйинчоқларининг 5 фоизини умуман сотиш мумкин эмас. Чунки уларда болалар ютиб юбориши мумкин бўлган майда деталлар жуда кўп. «Warentest» экспертлари ота-оналарни иложи борича майда деталлардан иборат ва ўзидан турли ҳидлар чиқарадиган ўйинчоқларни сотиб олмасликка чақирди.

Қариялари қадрланган юрт

НУРОНИЙЛАР ХОНАДОН КЎРКИ

Вобкент туманининг «Ҳалвогарон» маҳалласида умргузаронлик қилиб келаётган Тошбиби ая Ҳамроева ўзининг меҳнатда кўрсатган жасоратлари ҳақида деярли гапирмайди. Аслида у эсини танигандан буён далада ишлади: баҳорда ипак қурти боқди, кузда пахта терди.

Хўжаликда ишлаш билан бирга, тўрт фарзандни тарбиялаб, касби-корли қилди. Табаррук 101 ёшни қаршилаган, ҳаётнинг кўп аччиқ-чучуклари-ни, ташвишу қувончларини бошдан кечирган Тошбиби ая бугунги кунда набира-эваралар қуршовида кексаликнинг гаштини сурмоқда. У ҳамон тетик, бардам. Хотираси тиниқ, қарийб бир аср давомида кўрган-кечирганларини батафсил ҳикоя қилиб бера олади. Набираю эвараларига ўзининг қийин кечган болалиги ҳақида гапириб, уларга ҳозирги фаровон кунларнинг қадрига етишни уқтиришдан чарчамайди.

— Ўтмишни эсласам, ҳозирги кунлар худди бир гўзал эртак ҳақиқатга айланиб қолгандай туюлади, — дейди ая. — Болалигим талотўп йилларга тўғри келди. Раҳматли отаонам эртадан кечгача далада кетмон чопардилар. Лойшувоқ, пастқам уйчаларда яшардик, электр чироқ, ойнаи жаҳон, қанотли темир қушлар ҳақидаги афсоналарни эшитиб, жажжи юракларимиз энтикиб кетарди. Мана энди тунларимиз ҳам электр чироқлар билан кундузгидек чароғон. Ҳар бир оилада икки-учтадан дунёни кўрсатиб турган телевизорлар бор. Мактаб, коллеж, хусусий ошхона, тўйхоналар — ҳаммаси истиқлол шарофатидан, айланайлар. Дастурхонимизнинг тўкинлиги, омборларимизнинг буғдойга тўлалигини кўриб аждодларимизнинг шу кунларни армон қилиб ўтиб кетганини эслайман.

Эндиликда аянинг невараэваралари нуфузли жойларда ишлашади. Уларнинг олий ўқув юртларини тугатиб яхши ташкилотларда ишлаётганини кўрган ая ҳар бир кунига шукрона айтади.

Онахон Истиқлолнинг 19 йиллиги арафасида Президентимизнинг фармонига биноан бир гуруҳ юз ёшдан ошган отахону онахонлар қаторида «Шуҳрат» медали билан мукофотланди. Юртбошимизнинг ғамхўрлигидан боши осмонга етди. Қариси бор уйнинг париси бор, дейишади. Шу боис онахоннинг хонадонидан доимо меҳмон аримайди. Яқинда вилоят «Нуроний» жамғармаси раиси Юсуф Қурбонов ва «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви раиси Беҳбуд Жумаев Тошбиби аяни совғалар билан муборакбод этдилар.

Кўпчилик аяга ҳавас қилади. Табаррук онахондан ҳолаҳвол сўрашга келган киши борки, ундан узоқ яшаш сирини сўрайди. Ахир, бутун бир асрнинг бўҳронларини кўриш, турмуш рўзғидан ёш бева қолиб, катта рўзғор юкини тортиш, йўқчиликка қарамай фарзандларни институтларда ўқитиш ва уй-жойли қилишнинг ўзи бўлмайди-да.

— Узоқ яшаш сирлари ана шунда, доимо ҳалол меҳнат қилиб, жисмоний ҳаракатда бўлиш, кўнгил тозалиги ва муҳими ҳаётни севишда, деб ўйлайман. Йўғида сабр қилиб, борида шукр қилиб, Оллоҳнинг синовларига, ҳаётнинг машаққатларига чидадим, — дейди ая.

Бундан ташқари онахоннинг узоқ умр кўришида Кумушкентдай сувлари зилол, табиати мусаффо, одамлари кенгфеъл ва меҳнатсевар гўшада яшаётганининг ҳам таъсири бор, албатта.

— Аяда яшашга иштиёқ, ҳаётга муҳаббат кучли. Мусиқани, лапар-у ўланларни севадилар. Бир вақтлар ансамбль тузиб, ёшларга унутилаётган халқ қўшиқларини ўргатган эдилар. Ҳозир ҳам доирани чертиб, лапар айтиб, даврала-римизга файз киргизиб юборадилар, — дейди «Ҳалвогарон» маҳалласи раисаси Наима Жумаева. — Шунинг учун нуронийларни хонадон кўрки, дейишади. Аянинг нафақат невараларига, балки бутун маҳалла ёшларига бераётган ўгитлари-ю насиҳатлари ҳаётийлиги билан ҳам қимматлидир. Шунинг учун онахондан ҳар бир ишда маслаҳат сўраймиз. Берган панд-насиҳатларига амал қиламиз.

Меҳнатларидан қадр топиб, эл эъзозида яшаётган Тошбиби ая Ҳамроева дуо қилишдан чарчамайди: "Илоҳим мустақиллигимиз абадий бўлсин. Тинчлигимизга кўз тегмасин. Озод юртимиз янада обод бўлаверсин. Юртдошларим, барча замондошларим, набира-абираларим ҳам мен каби юз ёшларга кириб юрсинлар".

Биз ҳам бу тилакларга қўшиламиз. Аср тенгдоши бўлган табаррук онахоннинг дуолари ижобат бўлаверсин.

Маҳбуба Холова.
Бухоро шаҳри

Ғамхўрлик

ҲАР БИР БОЛА – ЭЪТИБОРДА

< [1]

Унда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан мақсадли коммунал уй-жой фондидаги уйлардан ёки вақтинча фойдаланилмаётган, давлат мулки бўлган ётоқхоналардаги, уй-жойлардаги ҳамда кўп қаватли уйларда бўш турган квартиралардан турар-жой берилиши белгилаб қўйилган.

Айни пайтда вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва бошқа ташкилотлар томонидан фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уй-жойлар ва кўп қаватли уйлардаги бўш турган хонадонлар негизида етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун оилавий ётоқхоналар ва квартиралар ташкил этиш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига фойдаланиш учун берилишини ёки улар балансига ўтказилишини белгиланган тартибда таъминлашига эътибор қаратмоқда.

Мазкур қарор билан тасдиқланган низомга кўра ўзларига бириктирилган турар-жойга эга бўлмаган ва турар-жойга муҳтожлар сифатида ҳисобда турган етим болалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, улар тоифасига кирадиган 18 ёшдан 23 ёшгача бўлган шахслар тегишли тартибда турар-жой олиш ҳуқуқига эга. Турар-жойлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланадиган уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси доирасида, Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига мувофиқ ижара шартномаси асосида берилади.

Тошкент шаҳрининг туманлари ва таълим муассасалари кесимида турар-жойга эга бўлмаган тегишли ёшдаги етим болалар ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар аниқланиб, уларнинг рўйхати такомиллаштирилди. Мақсадли коммунал уй-жой фондидаги уйлардан ёки вақтинча фойдаланилмаётган, давлат мулки бўлган ётоқхоналардаги, уй-жойлардаги ва кўп қаватли уйлардаги бўш турган квартираларни улардаги маиший шароитларнинг ёш оилаларга яшаш учун мос келиши нуқтаи назаридан инвентаризациядан ўтказиш юзасидан ишчи гуруҳи тузилди. Бугунги кунда ушбу гуруҳ томонидан етим ва ота-она меҳридан бебаҳра болалар учун турар-жойларни тўлиқ ҳисобга олинишини ҳамда мавжуд маълумотларни мунтазам янгилаб борилишини таъминлаш мақсадида турар-жойларнинг электрон маълумотлар банки шакллантирилди.

Тошкент шаҳрида бугунги кунга қадар 269 нафар етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар доимий уй-жой билан таъминланди. Берилаётган турар-жойлар қулай ва шинам бўлиши, белгиланган санитария талабларига, техник меъёрларга жавоб беришига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Пойтахтимиздаги олтита Меҳрибонлик уйида 627 нафар бола тарбияланмоқда. Уларнинг ота-онаси, яқинлари ва қариндошлари, манзили, мулкий ҳуқуқи атрофлича ўрганилмоқда. Қарорга мувофиқ, етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялаш учун Меҳрибонлик уйларига юборишда туман, шаҳар ҳокимининг қарори билан унинг яшаш жойи бўйича турар-жойини болада сақлаб туриш кафолати белгиланади. Бириктирилган турар-жойга эга бўлган етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар Меҳрибонлик уйида бўлган тўлиқ даври ёки Қуролли Кучлар сафида хизматни ўташ даврида турар-жойга бўлган ҳуқуқини сақлаб қолади.

– Муассасамизга келган ҳар бир боланинг ота-онаси, яқинлари, уй-жойга муҳтожлиги ҳақидаги маълумотлар пухта ўрганилади, таҳлил этилади, – дейди Юнусобод туманидаги 21-Меҳрибонлик уйи директорининг ўринбосари Гулнора Холова. – Негаки, бу ердаги тарбияланувчиларнинг аксарияти мураккаб ҳаётий вазиятга тушиб қолганлардир. Турар-жой масаласи болаларнинг келгусида ўқиши, касб-ҳунар эгаллаши, меҳнат қилиши, оила қуришидек ҳаётий муҳим масалалар билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳужжатларни ўрганишда архив идоралари, нотариал ташкилотлар, ФҲДЁ бўлимлари, ҳокимликлар, маҳаллалар, ер ресурслари ва давлат кадастри бўйича бўлимлар ва бошқа тегишли муассасаларга мурожаат қилинмоқда. Ҳужжатларни атрофлича ўрганиш жараёни болага бириктирилган уй-жой ҳақида ёки унинг турар-жойга муҳтожлиги ҳақидаги холис маълумотни янада ойдинлаштириш имконини беради.

Болаларга таълим-тарбия бериш баробарида уларни ижтимоий-педагогик қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-ҳуқуқий кўмак, касбий мослашув, Меҳрибонлик уйидан кейинги даври, ҳуқуқбузарлик профилактикаси каби йўналишлар бўйича ҳам пухта иш олиб борилади. Айни пайтда тарбияланувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, уларда ўз ҳуқуқларини ҳимоялаш кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тошкентдаги 22-Меҳрибонлик уйи бош тарбиячиси Нина Верешчагинанинг айтишича, мазкур муассасада тарбиялана-ётган турар-жойга муҳтож болаларнинг ҳақ-ҳуқуқларига оид барча муаммоларни ҳал этишга катта аҳамият қаратилмоқда. Бунда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, ҳокимликлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ўртасидаги ҳамкорлик ижобий самара бермоқда. Ҳозирга қадар ушбу масканнинг ўн олти нафар собиқ тарбияланувчиси турар-жой билан таъминланди.

Бундай эзгу ишлар юртимиздаги барча Меҳрибонлик уйларида амалга оширилмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Тошкент шаҳри Сергели туманидаги 12-оилавий поликлиникада аҳоли соғлигини сақлаш ва тиклаш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Оилавий поликлиниканинг 100 дан ортиқ шифокор, ўрта ва кичик тиббий ходими хизматидан "Обод", "Қўшқўрғон", "Маданият", "Халқобод", Абдурахмон Жомий номли маҳаллалар аҳолиси хурсанд.

Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган поликлиника тиббиётнинг барча соҳалари бўйича малакали мутахассислар билан таъминланган.

СУРАТДА: *кардиолог-ревматолог, тиббиёт фанлари номзоди Яшар Ҳайитов олий тоифали ҳамшира Людмила Турусова билан бирга беморни кўздан кечирмоқда.*

© фото-Носир Ҳайдаров

Оила тилсими

МЕҲР КЎЗДА

Алишернинг ота-онаси савдо-сотиққа шунчалик берилиб кетишган эдики, якка-ёлғиз ўғлини қишлоқдаги аммаси Моҳирага ташлаб, ойлаб чет элларда қолиб кетишарди. Моҳира мактабда фаррош бўлиб ишлайди. Эри оддий ишчи. Бу йил тўнғич қизи Дилнозани турмушга беришди. Катта ўғли институтда ўқийди, кенжаси коллежда. Қисқаси, бу оиланинг ошиб-тошиб кетаётган жойи йўқ, аммо ҳалол меҳнатда барака бор, деганларидек, уйларидан файз аримайди.

Моҳира ҳам жиянига ўрганиб қолган. Алишер уйнинг рўзғор юмушларида аммасига ёрдамчи, улар дарсларни ҳам бирга тайёрлашади.

Бир куни мактабдан қорни очиб келган Алишер аммасини тандир бошида учратди:

— Алишержон, дарров кийимларингни алмаштириб чиқ, қовоқ сомса ёпяпман, иссиғида еб олақол! Кейин Ботир амакинг бор-ку, ўшанинг анчадан буён мазаси йўқ, бориб хабар олиб келамиз. У ҳам қовоқ сомсани хуш кўради. Агар сени кўрса, жуда суюнади-да, — деди.

Алишер амакисини бир-икки марта кўрган, аммо уйига ҳеч бормаганди. Амакиси дадасининг акси — хокисор, кўнгилчан инсон. Болакай билан қўл бериб, кўришаркан, касал амакисининг заҳил чеҳрасига табассум югурди.

— Баракалла, кап-катта йигит бўлиб қолибсан-ку!

Кейин у ёнидаги сандиқчадан Алишерга жийда, қанд-қурс олиб берди. Алишер жийдалардан еркан, амакисининг ўқтин-ўқтин оғриқ зўридан юзлари буришиб кетаётганини сезар, унга жуда раҳми келарди. Шу пайт уйга амакисининг невараси Орифжон кириб келди, бир пасдан сўнг улар ҳовлида бирга ўйнаб бошлашди.

Болалар кечгача маза қилиб ўйнашди. Кетишда уларни Орифжоннинг дадаси машинасида элтиб қўйди. Хайрлаша туриб эса:

— Аммажон, Баҳодир амакимга ўзингиз тайинларсиз, докторлар дадамнинг буйрак касалига даво дейишган ўша дори чет давлатда ишлаб чиқиларкан. Бу ерлардан излаб тополмадим. Пулини олдиндан жўнат деса, олдиндан ёки келишганидан кейин, албатта бераман.

— Сен хавотир олма, айтаман, пулига келсак, даданг унинг жигари-ку. Пул олармиди?

Шундан сўнг бир оз вақт ўтиб, Алишернинг ота-онаси чет элдан қайтиб келишди. Болани олиб кетгани келишганда, Моҳира Баҳодирдан сўради:

— Укажон, акамга дори олиб келдингми?

— Биласизми..., — каловланди Баҳодир. — Ўша ердаги ҳамма аптекаларга кириб чиқдим, тополмадим.

Моҳира маюс бош чайқади... Алишернинг кўз олдига заъфарон чеҳрали амакиси келиб, юраги ачишди.

Алишерни янги машинага ўтирғизган отаси унга қараб:

— Ўғлим, қалай экан янги машина? — деб сўради. Алишер қисқагина «Яхши», деб қўя қолди.

Айланиб-ўргилиб кутиб олган ойиси уни совға-саломларга кўмиб ташлади. Уйга кирган Алишер бутунлай ўзгариб кетган хонасини таниёлмай қолди. Шу пайт дадасининг гапи қулоғига чалинди:

— Опам ҳам қизиқ, акангга дори олиб келдингми, деб сўрайди. Ўша дори палон пул турса, нима, мен пулни ердан супуриб оляпманми?

— Қўяверинг, улар бизнинг бойиб кетаётганимизни кўролмайди. Ана, ўғли олиб берсин!

Алишер дадасининг, ойисининг бемор амакига раҳми келмай айтаётган гапларидан алланечук бўлиб кетди.

Бир куни Алишер ойисидан мошхўрда пишириб беришини сўради.

— Нима? Мошхўрда? Ҳечам-да. Менинг мошга аллергиям бор. Ана холодильник тўла овқат.

Ўша куни уни кўргани аммаси келди. Кутилмаганда Алишер чопқиллаб чиқиб кўришди. Тоғорачадаги қовоқ сомсаларни, ёғли, жиззали патирларни кўриб қийқириб юборди. Бундан унинг ота-онаси ҳам ҳайрон қолишди.

— Тавба, унга ҳамма нарсани муҳайё қилсак, энг тансиқ таомларни пишириб бersак ҳам ҳеч чеҳраси ёришмасди. Оддий қовоқ сомсани иштаҳа билан ейишини қаранг...

Шундан сўнг катталар суҳбатлашиб ўтиришди. Гап айланиб амакисининг соғлиғига бориб тақалди. Моҳира чуқур хўрсиниб қўйди:

— Аҳволлари анча оғирлашиб қолган...

Орага оғир жимлик чўкди. Шунда Алишер бирдан:

— Дада, сизлар машинага, уйдаги жиҳозларга шунча пул топибсизлару, наҳотки, амаким учун битта дори олишга пулингиз етмади? Менга компьютер олиб келибсизлар, бизлар ҳали мактабда компьютер дарсларини ўтмаяпмиз. Уни юқори синфда ўрганар эканмиз. Илтимос, дори қиммат бўлса, шу компьютерни сотиб пулига амакимга дори олиб беринг. Мен амакимни ҳам, Орифжонни ҳам, Орифжоннинг дадасини ҳам, қишлоқни ҳам жуда-жуда яхши кўраман.

Дадаси билан ойиси унга тикилганча анграйиб қолишди, аммасининг кўзларида ёш қалқиди.

Ўша куни уйқуга ётган Алишер дадасининг баланд овозда ким биландир гаплашаётганидан уйғониб кетди.

— Қулоқ сол, шу дорини самолётда эрталабки рейс билан бериб юбор, жудаям зарур. Ҳа-ҳа, худди шу дори. Раҳмат, дўстим!

Алишер хурсанд бўлиб кетди. Энди амаким тузалиб кетади, деганча хаёл суриб ётганди, хонага дадаси кириб келди. Уни ухлаб қолган, деб ўйлаб ёнига ўтирганча сочларидан силади.

— Оббо тойчоғим-эй, биз чет элда юравериб, кўп нарсани унутиб қўйибмиз. Бугун сен мени ҳайрон қолдирдинг, гапларингдан таъсирланиб кетдим. Кечир, биз нафақат юртимиздан, қавму қариндошлардан олислаб кетибмиз, балки меҳрдан, диёнатдан узоқлаша бошлаган эканмиз. Амакингни кўрмаганимга ҳам бир йилдан ошибди. Эртага дорини олиб бирга амакингни кўриб келамиз. Энди қариндошлар билан тез-тез борди-келди қиламиз. Ахир, меҳр кўзда, дейишади-ку!

Шу пайт Алишер ирғиб туриб дадасининг бўйнидан қучоқлаб олди. Дераза дарпардалари орасидан ичкарига мўралаган ой ҳам ота-боланинг меҳр-муҳаббатидан шодлангандек уларга кумуш ёғдусини сочарди...

ГУЛҲАЁТ.

Турмуш чорраҳаларида

ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ

— Хўжайинимнинг инжиқлиги жуда жонимга тегди-да, — деди Мухтабар ҳар доимгидек эридан нолиганча. — Қачон қараманг, касалдан боши чиқмайди. Пул топмайди демайман, топади, топгани ўзидан ортмайди.

— Айтманг, қариндошлари-чи, ба-а-ари кунда-шунда. Худди уларнинг жони жон-да бошқалар ердан чиққан қўзиқорин, ҳеч ҳаловат йўқ-а, — деди Каромат ҳам яна ўша эски мавзуни қўзғаб.

Шу пайт учинчи ҳамсуҳбат Дилдоранинг телефони жиринглаб қолди.

— Алло, Фарида, сенмисан, нега аканг билан тортишасан, борсам теринги шилиб оламан, — деди Дилдора телефонда қизига ўдағайлаб.

Бу ишхонада яна бир аёл бор. Фақат биргина шу аёл ҳамкасбларининг ҳангомаларни жимгина эшитиб ўтирар, унинг осойишталигини кўрган одам Адолатни бу дунёнинг ташвишларидан йироқ, деб ўйларди. Унинг бу ерда иш бошлаганига 9 ой бўлган бўлса-да, ҳали бирор марта ким биландир тортишганини ёки кимнингдир орқасидан ғийбат қилганини ҳеч ким эшитмаганди. Ҳаётидан ёки турмуш ташвишларидан-ку, умуман, нолимасди. Жуда хушчақчақ, деб бўлмаса-да, аммо бирор гапни бошлашдан олдин жилмайиб қўйишини кўрган одам уни хушчақчақ, деб ўйларди. Сочларини чиройли турмаклаб, қошларига ўсма қўйишни канда қилмайдиган бу аёлнинг орқасидан баъзи бир аёллар ички ҳасад биланми: «Ҳа, энди ҳамма нарсадан кўнгли тўқ, яшаши яхши бўлганидан кейин ўзини бахтиёр ҳис этиб юраверади-да», дерди. "Бизга ўхшаб муаммоларга ўралашса, икки-уч болани оёққа турғизса, кўрамиз асабларининг чидаганини. Битта қизи-ю эридан бўлак ташвиши йўқ-да унинг", дейишарди. Баъзилар ҳазиллашиб уни "Атиргул опа", деб чақирарди. Боиси у кунда-кунора ишхонага қўлида турфа рангли атиргул кўтариб келар, бу гуллардан кечгача хонада ёқимли ифор таралиб турарди.

Аёллар айттанидек, Адолатнинг бир қизи бор эди. Ишхонадаги аёллар фарзандларини «терисини шилиб олиш» билан қўрқитса у қизини доимо майин, ёқимли овозда "қизалоғим", "асалим", деб эркалатарди. Бошқа аёллар эрининг ношудлиги, бўшлиги ёки уйим-жойим демаслигидан нолишса, у хўжайини билан "адажониси", "хўжайин", деб гаплашарди. Ишхонада аёллар иш вақтидаям, тушлик пайтидаям ҳамма мавзуни бир-бир ўртага ташлаб, баҳс-мунозараларга берилиб кеттан пайтидаям у ё компьютерда алланималар ёзар, ё бирор китоб ўқиётган бўларди. Уни, умуман, аёллар суҳбатига қўшилмайди, деб бўлмасди. У ҳам гоҳ-гоҳида суҳбатларга аралашар, лекин ҳеч кимни қораламас, ҳеч ким ва ҳеч нарсадан нолимас, фақат «Ундай деманг, дугонажон, ҳаммаси ҳали яхши бўлади, мана, кўрасиз», «Сиз ундай майда-чуйда нарсаларга эътибор берманг, ахир, тўрт мучангиз соғ, атрофингизга қаранг, ҳамма нарса чиройли», деб таскин берарди.

— Адолат Фалончиевнанинг эри катта ишда ишлайди, шунинг учун у эрини адажониси, деб ҳурматлаб гапиради-да, — дерди аёллар. Аёллар дастлаб Адолатдан эрингиз қаерда ишлайди, деб сўраганида у кулимсираб, хўжайиним катта даргоҳнинг хўжайини, деганди. Шу-шу аёллар Адолатнинг эрини раҳбар бўлса керак, деб ўйлар ва атрофдаги таниш-билишлари казо-казолар бўлгани учун ҳам бизлар билан апоқ-чапоқ эмас, деб ўйлашарди.

Шундай оддий кунларнинг бирида ишхонага Дилобарнинг аммаси Қумри хола келди. Айни тушлик пайти аёллар иштаҳа ва ҳафсала билан тушликка тайёргарлик кўришаётган эди. Адолат эса бу пайтда аёллар билан тушлик қилолмаслигини айтиб, шошиб чиқиб кетаётганди. Дилобарнинг аммаси уни орқасидан кўриб қолди-ю аёлларга қараганча: "Анув шошиб кетаётган Адолат эмасми?", деб сўради.

— Ҳа, Адолат, сиз уни қаердан танийсиз? — деди аёллардан бири.

— Ахир, у менинг маҳалламданку. Мен уни жуда яхши танийман. Қўшни маҳаллага келин бўлиб тушган. Жуда ажойиб, баъмани қиз эдида ўзиям. Лекин унинг бошидан кечирганлари душманнинг бошига ҳам тушмасин, — деди хола хўрсинганча.

Шу куни аёллар Дилдоранинг аммасидан Адолатнинг эрини бундан беш йил олдин машина уриб кеттанини ва ҳали-ҳамон оёқлари ишламай тўшакка михланганини, фарзандсизлиги боис қайинопасининг ногиронлиги учун мурувват уйига топширмоқчи бўлган қизини асраб олганини билиб олишди.

— Аввалига бефарзандлигини юзига солавериб қайнанаси Адолатнинг роса бошига итнинг кунини солди, кейин айб ўғлида эканини билгач тилини тишлади, — деди гапини тугатаркан хола.

— Энди-чи, энди ўғлига, ногирон невараси қараб ўтиргани учун раҳмат айтаётгандир, — деди Каромат Адолатнинг бошидан шунча кўргуликлар ўттанига ҳалиям ишонқирамай.

— Гапирманг, у Адолатдан кейин иккита келин тушириб, келинлари тилли-жағли эканми, боши ғурбатдан чиқмай қолди. Ҳар гапининг бирида Адолат тилла экан, деб эси кетади. Адолат шунчалик олийжаноб аёлки, бирор марта қайнанасининг берган озорларини юзига солмайди. Уйига меҳмон бўлиб келишса, юзида табассум билан кутиб олади.

Бу пайтда Адолат уйига меҳмон келадиган бўлиб, ишдан эртароқ қайтган, ҳовлисидаги гуллардан бир дастасини териб гулдаста ясаётган эди.

Эртасига Адолат ишхонага борганида столлар устида атиргуллар қўйилган, аёллар ҳам негадир ўзгача — турмуш ташвишларидан нолиниб эмас, балки ишга кўмилиб ўтирган эди.

Адолат стол устидаги атиргулларни кўриб ҳайрон қолди. Аёллар билан бирма-бир саломлашаркан, уларнинг ўзига меҳр билан қараб турганини ҳис қилди.

— Ҳайрон қоляпсизми? — деди Дилдора униг елкаларидан қучганча. — Энди биз ҳам хонага гуллар билан кириб келамиз. Сиздан яшашни ўрганяпмиз. Ҳа-ҳа, яшашни. Ишхонамизга сиз ўзингиз билан файз олиб келдингиз. Сизнинг сабр-бардошингиз биз учун ҳар жиҳатдан ибратли.

Адолат одатига кўра майингина жилмайиб қўйди. У биларди, қачонлардир бошидан ўтганларини ишхонадаги ҳамкасблари эшитишини ичичидан сезарди. Шу пайт радиодан ёқимли куй таралди. Куйга монанд қўшиқ янгради: "Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё..."

Барно СУЛТОНОВА

Ҳамкорлик самаралари

ҚОНУННИ ҲАММА БИЛИШИ КЕРАК

Азал-азалдан бир ҳақиқат борки, қонунни билган инсон ўз ҳуқуқи поймол бўлишига йўл қўймайди, адолатсизлик, қонунбузилишларга қарши кураша олади, айни пайтда, зиммасидаги бурч ва масъулиятни ҳам теран ҳис этади. Демак, бундай шахсларнинг кўплиги ҳар қандай жамиятнинг бойлигидир.

Шунинг учун ҳам мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Зеро, муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "...токи жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз ҳуқуқи, ўз бурчи ва масъулиятини билмас экан, уни ҳаётий бурч сифатида англамас экан, бизнинг ислоҳот, янгиланиш ҳақидаги барча сўзларимиз, саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетаверади...".

Мамлакатимизда ҳар соҳа, ҳар жабҳада эркин фаолият кўрсатиш учун ҳуқуқий асослари аллақачон яратиб бўлинган. Бу борадаги қонунчилигимиз жаҳондаги тараққий этган давлатларнинг ҳуқуқий актларидан асло қолишмайди. Гап ушбу қонунларни ҳаётга тўлақонли татбиқ этишда.

Маълумки, қонунлар ижроси устидан назорат қилиш, шунингдек, ҳуқуқий тарғиботни изчил амалга ошириб бориш прокуратура органлари фаолиятининг асосий принципи ҳисобланади. "Ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунда эса тегишли фуқаролар йиғинига "қонунлар ва бошқа ҳужжатларнинг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш" ваколати берилганки, айни шу нуқтада мазкур органлар фаолиятида уйғунлик кўзга ташланади. Демак, бу борада ишлар самарадорлигини оширишда прокуратура ва ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлиги ўзига хос аҳамият касб этади. Шу боис ҳам қонунчилик тарғиботида маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида туманимиз маҳаллаларида 192 марта фуқаролар билан учрашувлар ташкил этилиб, қонунлар моҳияти, ҳукумат қарорлари, унда кўрсатилган масалалар юзасидан тушунтиришлар берилди. Бундай тадбирлар, қуруқ маъруза билан чекланиб қолмай, жонли мулоқот шаклида, савол-жавобларга бой тарзда ўтказилмоқдаки, бу бир томондан, фуқароларнинг ҳуқуқий онги юксалиб бораётганидан далолат берса, иккинчи томондан, қонунда кўрсатилган бурч ва масъулиятни тобора теран англаб етаётганликларини билдиради.

Хусусан, тумандаги Ғози-Ғиждон қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган учрашувда янги таҳрирда қабул қилинган "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуннинг мақсад ва вазифалари, мазмун-моҳияти ҳақида гап кетган бўлса, Чорбоқ қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтказилган йиғилишда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонун, унинг ижроси, бунда асосий эътибор ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган вазифаларга қаратилди. Таъкидландики, одам савдосига қарши курашиш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг, балки ҳар бир маҳалла, ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Зеро, бу иллат инсон шаъни, қадр-қимматига таҳдид солаётган уюшган жиноятчилик тури бўлиб, унинг чегара билмаслиги ҳамда домига асосан аёллар ва болаларни тортаётгани билан ҳам хавфлидир. Инсон ҳуқуқлари олий қадрият даражасида эътироф этилган мамлакатимизда бундай иллатга қарши курашда маҳалла фуқаролари йиғинлари билан ҳамкорликни янада кучайтириш тақозо этилади. "Буйрак" маҳалла фуқаролари йиғинидаги ўтказилган тадбир вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва таълим-тарбия масалаларига бағишланди. Унда бу борада амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилиниб, зиммасига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажармаётган мутасаддиларнинг камчиликлари кўрсатиб ўтилиши баробарида, ушбу масалага жиддий эътибор қаратиш зарурлиги, бугун йўл қўйилган арзимас хато эртага ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлиги аниқ мисоллар билан иштирокчилар ҳукмига ҳавола этилди.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Амнистия тўғрисидаги қарори ва унинг моҳиятига бағишланган тадбир иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотганини алоҳида таъкидлаш лозим. Албатта, Амнистия акти — инсонпарварлик, бағрикенглик ифодаси бўлган муҳим ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Бу биринчи марта адашиб ёки эҳтиётсизлик оқибатида ва бошқа ҳолатларда жиноят содир этиб, қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган маҳкумлар учун ўз ҳаётини тўғри йўлга солишда катта имконият яратади. Айниқса, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган (вояга етмаганлар)нинг жазодан озод этилиши мамлакатимизда ёш авлодга берилаётган эътибор, ғамхўрликнинг яна бир далилидир. Масаланинг иккинчи томони шундаки, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларнинг кейинги ҳаёти, бандлик масаласи, улар билан алоҳида тартибда профилактик тадбирлар ўтказилиб борилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг роли алоҳида аҳамият касб этади.

Пировардида, қонунчилик тарғиботи борасида амалга оширилаётган ишлар ижобий самара бераётганини таъкидлаш жоиз. Буни вояга етмаганлар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари камайиб бораётгани, фуқароларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқига нисбатан даъвогарлик ҳисси ортаётганида кўриш мумкин. Бунда маҳалланинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Носиржон РАИМҚУЛОВ,
Учкўприк тумани прокурори катта ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси.

Мурувват соҳиблари

ИЖТИМОИЙ-ҲУҚУҚИЙ КЎМАК

Бола — азиз, қалби эса тошқин дарё мисоли. Буни ёши катталар ҳар доим ҳам англаб, муносиб равишда баҳолай олмайдилар. Тошкент шаҳар ИИББ ҲООБга қарашли Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш Марказига турли сабаблар билан келиб қолган аксарият болаларга катталарнинг эътибори ва меҳри етишмаган десак, муболаға қилмаган бўламиз.

Марказ ходимлари томонидан қаровсиз ва назоратсиз қолган вояга етмаганларни аниқлаш, уларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ички ишлар идораларининг соҳавий хизматлари томонидан мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда «Ўқувчи», «Ўсмир», «Давомат», «Ғамхўрлик» ва бошқа профилактик-огоҳлантирув тадбирларини мунтазам равишда ўтказишга катта эътибор қаратиляпти. Бу борада айниқса, маҳаллаларда ташкил этилган милиция таянч пунктлари атрофида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Мавжуд 3550 та милиция таянч пунктининг уч мингдан кўпроғининг қошида спорт майдончалари, 2 минг 600 дан зиёд тўгарак, 2 минг 500 тасида кичик бизнес шохобчаси ташкил этилган. Шунингдек, тарғибот ишларини олиб боришга ҳам катта аҳамият қаратиляпти. Ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, диний экстремизм каби иллатлардан ва «оммавий маданият» хуружларидан асраш мақсадида ўқув муассасаларида ва ташкилотларда мунтазам давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. Амалга оширилган ишлар натижасида жорий йилнинг ўтган даврида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг 5,1 фоизга камайишига эришилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Бу ерга назоратсиз ва қаровсиз қолган 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар бир ой муддатга қабул қилинади, — дейди марказ бошлиғининг ўринбосари, майор Ойбек Олимбеков. — Шу вақт давомида уларнинг яқинлари, яшаш жойлари тўғрисидаги маълумотлар тўпланади. Бу ерда бўлган вақтларида болаларнинг вақтларини мазмунли ўтказиш, дунёқараши ва тасаввури, ҳаётта муносабати борасида ижобий кўникмаларни шакллантиришга ҳаракат қиламиз.

Марказга кираверишданоқ кўркам гулзор ва шинам ҳовли кўзингизни қувонтиради. Болаларда қувноқ кайфият ва жўшқин ҳиссиётни шакллантириш мақсадида болалар ўйнайдиган ва дам оладиган майдончалар, мўъжазгина ҳайвонот боғи ташкил этилган.

— Бу ер менга жудаям ёқди, — дейди ўзини Зебо деб таништирган 6 ёшли қизча. — Тарбиячилар жудаям меҳрибон, бизга ширин овқатлар қилиб беришяпти.

— Кўпчилик болалар олдинига ўзларини олиб қочиб, гаплашгиси ҳам келмай туради, — дейди марказ тарбиячиси Шаҳноза Камолова. — Дўстона ва самимий муносабатда бўлганимиз ва астойдил кўмак бермоқчилигимизни англагач эса бизни ўз яқинларидек яхши кўриб қолишади. Болалар бу ерга келтирилгач, тиббий кўрикдан ўтказилади. Марказимизда уларга зарур ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади. Бир ой ичида болалар хулқ-атвори ва дунёқарашида ижобий ўзгаришлар шаклланганини кўрганимизда ич-ичимиздан қувонамиз.

Дарҳақиқат, болаларнинг турли ўйинчоқларни ўйнаб, эмин-эркин юрганини кўриб, мактабгача тарбия муассасасига келиб қолдимми, деб ўйлашингиз аниқ. Буни, албатта, жонкуяр ва меҳрибон тарбиячиларнинг болаларга самимий муомаласи самараси, десак, адашмаган бўламиз.

— Масканимизга келтирилган болалардан уларнинг оиласидаги ҳаёт тарзи тўғрисида ҳар доим ҳам тўғри маълумот ололмаслигимиз мумкин, — дейди марказ психологи Ирода Ҳакимова. — Чунки улар аслида шароитлари қанақалигидан кўра ўзларининг тасаввуридаги, тўғрироғи қандай ҳаётни хоҳлашлари ҳақида гапиришни маъқул кўришади. Шу боис уларнинг кўнглига йўл топа билиш, дўстона муносабатда бўлиш муаммонинг ечимига ёрдам беради. Болаларнинг бу ерга тушишларига, аввало, оиладаги носоғлом муҳит ва ота-оналари сабабчи. Уларнинг кўпчилигининг оиласида тинчлик-хотиржамлик йўқ. Ота ичкиликка берилган, она ҳам масъулиятни тўла ҳис қилмайди. Бу эса ўз навбатида, болаларнинг қаровсиз ва эътиборсиз қолишларига сабаб бўлади. Марказда яратилган шарт-шароит, муҳит бир мақсад — қабул қилинган болаларнинг дунёқарашини ўзгартириш, онги ва тасаввурини эзгу қарашлар билан бойитишга қаратилган.

Бола мисоли навниҳол. Уларнинг эртага етук шахс бўлиб вояга етишидан нафақат ота-она, маҳалла-кўй, балки бутун жамиятимиз манфаатдордир.

Феруза ЭГАМОВА,
«Mahalla» мухбири.

Ёрқин Шамсиддинов (ЎзА) олган сурат.

Одам савдоси — аср вабоси

УЗОҚНИНГ БУҒДОЙИДАН...

...Наргиза вояга етган оилани тўкис, бадастир, деб бўлмасди. Оилада нафақат ижтимоий, балки маънавий муҳитнинг ҳам яхши эмаслиги фарзандлар хулқ-атворига таъсир этмай қолмади. Ота ичкиликка берилган, она эса уч-тўрт сўм топиш илинжида бозордан бери келмас, кунда-кунора бўладиган жанжаллардан болалар безор бўлиб кетишганди.

Ўшандай ғурбатли кунларнинг бирида Наргизага қўшниси Латофат нажот қўлини чўзди, гўё. Қўшнининг макридан бехабар қиз унинг Россияда магазинда сотувчилик қилиб, катта фойда кўриши мумкинлиги ҳақидаги таклифини хурсандчилик билан қабул қилди. «Йўл харажатлари ҳам менинг гарданимда, ишинг юришиб кетганда узарсан», деди тилёғламалик билан Латофат.

Ниҳоят, қиз орзиқиб кутган кун келиб, улар хорижга учишди. Бироқ улар етиб келган манзил Россия эмас, балки Дубай бўлиб чиқди. Қўлидан ҳужжатлари олиниб, фаҳш ишларга мажбур қилинганидагина Наргиза ўзи тушиб қолган вазиятнинг бутун даҳшатини англади. У ерда очлик азобини, зиндон уқубатини чекди, инсон боласига нораво хўрликларни кўрди.

Наргизанинг омади бор экан, мамлакатимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ҳамда қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият олиб бораётган «Истиқболли авлод» жамоат ташкилоти кўмагида ўз ватанига қайтарилди.

...Маҳмуд ҳам бир гуруҳ ҳамқишлоқлари билан олис Доғистонга отланаётганида даромад топиб, кам-кўстига ишлатишни ният қилганди. Катта ваъдалар билан уларни олиб кетаётган шахсга азбаройи ишонганлигидан хориждаги хавфсизлик ва меҳнат шароити хусусида тузукроқ маълумот олишга уриниб ўтирмади. Тоғли ҳудудда, чидаб бўлмас шароитда ишлашга мажбур бўлган йигитлар бир неча ой ўтса ҳамки, бир тийин ҳақ олишмади. Орқага қайтай дейишса, аллақачон ҳужжатлари қўлдан кетган?! Нима қилмоқ керак?

Кунларнинг бирида мўъжиза туфайли қўлига телефон тушган Маҳмуд уйидагиларга хабар берди. Унинг яқинлари «Истиқболли авлод» жамоат ташкилотига мурожаат қилдилар. Натижада йигитлар юртимизга қайтдилар.

— 2003 йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган ташкилотимиз асосан уч йўналишда иш юритади, — дейди «Истиқболли авлод» жамоат ташкилоти координатори Умида Каримова. — Аввало, аҳолининг барча қатламлари ичига кириб, кенг тарғибот ишларини олиб бориш ва уларни зарур ахборот билан таъминлашга катта эътибор қаратганмиз. Трафик қурбонлари бўлган ватандошларимизга мамлакатга қайтишга кўмаклашиш асосий вазифамиз ҳисобланади. Шунингдек, жабр кўрганларга тиббий, руҳий, юридик ёрдам ва ижтимоий ҳаётга мослашишларига кўмак берилади.

Мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш, трансмиллий жиноятчиликнинг олдини олишга доир ҳуқуқий асослар яратилган. Ўзбекистон БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳақидаги Конвенциясини ҳамда БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрдаги резолюцияси билан қабул қилинган мазкур конвенцияни тўлдирувчи "Одамлар, айниқса, аёллар ва болалар савдосини тўхтатиш ва олдини олиш, унинг учун жазо тўғрисида"ги Протоколни ратификация қилгани фикримизнинг тасдиғидир.

2008 йил 17 апрелда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги ҳамда амалдаги Жиноят кодексининг айрим моддаларига халқаро стандартларга мос тегишли ўзгартишлар киритилиб, бу қонун одам савдосига қарши курашиш ва ундан жабрланганларни ҳимоя қилишда асосий омил сифатида хизмат қилмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлда "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган, 2008—2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича Миллий тадбирлар режаси тасдиқланган. Шунингдек, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг тегишли фаолиятини мувофиқлаштириш учун Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияси тузилиб фаолият олиб бормоқда. Бу борада «Маҳалла» жамғармаси томонидан амалга оширилаётган аниқ мақсадли изчил чора-тадбирлар аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳар бир маҳаллада хорижга чиққан фуқаролар тўғрисидаги барча маълумотлар, четга чиқишдан мақсади қайд қилиниб, келгандан сўнг тиббий текширув хулосалари олинмоқда. Тадбирлар режасига мувофиқ, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, таълим муассасаларида, корхона ва ташкилотларда кенг жамоатчилик вакиллари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари ўзаро ҳамкорликда учрашувлар, йиғилишлар ўтказилмоқда. Унда одам савдосининг келиб чиқиш сабаблари ва олдини олиш омиллари тушунтириб борилмоқда. Бунда аҳоли кенг қатлами, айниқса, аёллар ва вояга етмаганлар орасида одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг хавфи, оқибатлари жонли мисоллар асосида тарғиб этилмоқда. Ушбу жараёнда одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий реабилитация қилишга кўмаклашиш масалалари алоҳида эътиборга олинган.

«Маҳалла» жамғармаси одам савдосига қарши курашиш борасида тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлигини ошириш мақсадида қатор идоралар, жумладан «Истиқболли авлод» жамоат ташкилоти билан ҳам ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда. «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида: «Одам савдосидан жабрланганларнинг камситилишига йўл қўймаслик» алоҳида белгилаб қўйилган. Бу мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари олий қадрият даражасига кўтарилганини яна бир бор тасдиқлайди.

Яқин-яқингача одам савдоси, деганда тарихий асарларда ўқиганимиз — қулдорлик даври манзаралари кўз ўнгимизда гавдаланарди. Фан-техника тараққиёти мисли кўрилмаган тарзда ривожланган йигирма биринчи асрда бу иллат глобал муаммога айланиб, қанчадан-қанча одамлар бошига кулфат ёғдирмоқда. Даромад келтириши жиҳатидан наркобизнес ва қурол-яроғ савдосидан кейинги ўринда турадиган ушбу жиноят тури на миллат, на макон танлайди. Шу боис ҳушёр бўлиш, хорижнинг гўёки эртакнамо ҳаёти сароб бўлиши эҳтимолини назардан қочирмаслик керак.

Феруза.

Ҳуқуқий луғат

ҲАР СЎЗНИНГ ЎЗ МАЪНОСИ БОР

Чет эл валютаси –

1) тегишли чет эл давлатининг муомаласида бўлган ва қонуний тўлов воситаси ҳисобланган, шунингдек, муомаладан чиқарилган ёки чиқарилаётган, лекин Ўзбекистон Республикасининг пул белгиси билан алмаштирилиши лозим бўлган банкнот тарзидаги чет эл пул белгиси;

2) чет эл давлатларининг пул бирликларида ва халқаро ҳисоб-китоб бирликларидаги счётлар ва омонатлардаги маблағлар.

Валюта қимматликлари — чет эл валютаси; чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар - фонд бойликлари (акция, облигация ва бошқалар); чет эл валютаси билан тўланадиган тўлов ҳужжатлари (чеклар, векселлар, аккредитив ва бошқалар); ҳар қандай кўриниш ва ҳолатдаги қимматбаҳо металлар — олтин, кумуш, платина ва платина гуруҳига кирувчи металлар (палладий, иридий, радий, рутений ва осмий), шундай металлардан ясалган заргарлик ва бошқа рўзғор буюмлари ҳамда уларнинг резгилари бундан мустасно; хомашё ёки ишлов берилган ҳолатдаги табиий қимматбаҳо тошлар — олмос, ёқут, зумрад, сапфир, александритлар, шунингдек марваридлар, шундай тошлар ҳамда уларнинг резгиларидан ясалган заргарлик ва бошқа рўзғор буюмлари бундан мустаснодир.

Валюта операциялари — валюта қимматликларига мулк ҳуқуқининг бировга ўтиши билан боғлиқ операциялар, шу жумладан ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда чет эл валютасидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси пул бирлигидан тўлов воситаси сифатида фойдаланиш билан боғлиқ операциялар; валюта қимматликларини чет элдан Ўзбекистон Республикасига келтириш ва жўнатиш, шунингдек уларни Ўзбекистон Республикасидан четга олиб чиқиш ва жўнатиш; халқаро миқёсда пул ўтказиш операциялари.

"Mahalla" жавоб беради

ИШЛАЁТГАН ТАЛАБАГА ТАЪТИЛ БЕРИЛАДИМИ?

Савол: — Мен олий ўқув юрти талабасиман. Бироқ оилавий шароитим оғирлиги сабабли ўқишдан бўш пайтларда пиширик тайёрлайдиган корхонада фаолият юритяпман. Баъзан ишда бўлганим боис имтиҳонларга тайёрланишга вақт тополмайман. Айтинг-чи, қонунларда ҳам ўқиб, ҳам ишлаётган талабалар учун имтиҳон пайтларида қўшимча таътиллар белгиланганми?

И.ЗАРИПОВ.
Фарғона шаҳри.

Жавоб: — Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган ходимларга лаборатория-имтиҳон сессиясида қатнашиш даврида таътиллар берилиши белгиланган. Хусусан, олий ўқув юртларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган ходимларга бериладиган таътиллар муддати ўқув курсига ва бошқа ҳолатларга боғлиқ бўлади. Бу таътиллар икки хил бўлиши мумкин. Биринчисига олий ўқув юртидаги ўқув шакли (кечки ва сиртқи)га боғлиқ бўлган таътиллар киради. Бу гуруҳга лаборатория-имтиҳон сессиясида қатнашиш даври учун бериладиган таътилларни мисол келтириш мумкин. Иккинчи гуруҳга битирув имтиҳонларини топшириш, диплом лойиҳасини ёқлаш даври учун, шунингдек, диплом лойиҳасига материаллар тўплаш учун бериладиган ўқув таътиллари киради. Бу таътиллар муддати ўқув шаклига боғлиқ бўлмайди.

УМУМИЙ МОЛ-МУЛК ҲИСОБЛАНАДИ

Савол: — Турмуш қурганимга беш йил бўлди. Ҳозир икки нафар фарзандим бор. Бу давр оралиғида эрим билан бирга уй сотиб олган эдик. У турмуш ўртоғимнинг номига расмийлаштирилган. Лекин эрим мен билан ажрашмоқчи. Агар суд бизни ажратадиган бўлса, уйда менинг ҳам улушим бўладими?

Б.РАЗЗОҚОВА,
Конимех тумани.

Жавоб: — Бундай ҳолатларда суд оиланинг умумий мол-мулкини ҳисоблайди. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига кўра эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклар, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, оиланинг умумий мулки ҳисобланади.

Эр-хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулкларига ҳар бирининг меҳнат, тадбиркорлик ва интеллектуал фаолият натижаларидан орттирган даромадлари, пенсиялар, нафақалар, шунингдек, махсус мақсадга мўлжалланмаган бошқа пул тўловлари (моддий ёрдам суммаси, майиб бўлгани ёки саломатлигига бошқача зарар етказилгани оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотганлик муносабати билан етказилган зарарни қоплаш тарзида тўланган маблағлар) киради. Эр-хотиннинг умумий даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас мулк, қимматли қоғозлар, пайлар, омонатлар, кредит муассасаларига ёки бошқа тижорат ташкилотларига киритилган капиталдаги улушлар ҳамда эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган бошқа ҳар қандай мол-мулклари, улар қайси бирининг номига расмийлаштирилганидан қатъи назар, умумий мол-мулк ҳисобланади.

Эр-хотиндан бири уйрўзғор ишларини юритиш, болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ёки бошқа узрли сабабларга кўра мустақил иш ҳақи ва бошқа даромадга эга бўлмаган тақдирда ҳам умумий мол-мулкка нисбатан тенг ҳуқуққа эга бўлади.

Саволларга ҳуқуқшунос Фасиҳиддин СУЛТОНОВ жавоб берди.

Бадиий гимнастика

СОҒЛОМ, ЭПЧИЛ ВА ЧАҚҚОН ҚИЗЛАР

Соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда жисмоний баркамолликка эришишда спортнинг аҳамияти беқиёс. Шу боис бугун нафақат шаҳарларда, балки чекка қишлоқларда ҳам қад ростлаган замонавий ва маҳобатли спорт мажмуалари кўплаб ўғил-қизларнинг севимли масканига айланиб, бағрида соғлом ва баркамол авлодларни шакллантирмоқда.

Ана шундай спорт масканларидан бири — Боғот тумани Бешариқ қишлоғида жойлашган 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг фаолият бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. 2007 йилда қишлоқнинг И.Дўсов ширкат хўжалигига қарашли қаровсиз аҳволга келиб қолган санъат саройи Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ажратилган 50 миллион сўм ҳисобига таъмирланиб, бутунлай бошқача кўриниш олди. Мажмуа замонавий типда тўлиқ қайта жиҳозланди, турли спорт инвентарлари билан бойитилди. Айни дамда мажмуада 192 нафар ўспирин спортнинг бадиий гимнастика, бокс ва стол тенниси турлари бўйича шуғулланмоқда.

— Мамлакатимизда спортнинг бадиий гимнастика тури йил сайин оммалашмоқда, — дейди спорт мактаби директори Матқурбон Жуманиёзов. — Жажжи қизалоқларимиз туман, вилоят биринчиликларида фахрли ўринларни қўлга киритишмоқда. Бундан ташқари бошқа спорт турлари бўйича ҳам мусобақаларда қатнашиб, муваффақиятларга эришмоқдамиз. Жумладан, ўқувчиларимиз жорий йилда ўтказилган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасида вилоятда волейбол бўйича учинчи, кураш ва футбол бўйича иккинчи ўринларни қўлга киритишди. Келажакда улардан умидимиз катта. Келгуси йилги спорт мусобақаларида бундан ҳам яхши натижаларга эришиш учун пухта тайёргарлик ишларини бошлаб юборганмиз.

Бадиий гимнастика залига ташриф буюрганимизда мураббийлар Гулнора Наримонова, Зумрад Матёқубова қизалоқлар билан машғулот ўтказишаётган экан. Жажжи қизалоқларнинг арғамчи, булава, ҳалқа (обруч), копток, тасмалар ёрдамида бажараётган илдам ва нафис ҳаракатлари кишини беихтиёр ҳайратга чулғайди.

— Менинг бу ерга қатнаётганимга унчалик кўп бўлмаган бўлса-да, ушбу спорт турига оид нафис машқларни мукаммал ўрганишга ҳаракат қиляпман. Энди гимнастикага дугоналаримни, синфдошларимни ҳам қизиқтиряпман, — дейди Наргиза исмли қизча. — Бўш вақтимнинг кўп қисмини шу ерда ўтказаман. Телевизор орқали намойиш этиладиган спорт кўрсатувларида тенгдошларимнинг ютуқларини, мусобақалардаги иштирокини кўриб, уларга ҳавас қиламан. Келажакда улардек мусобақаларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллашни орзу қиламан.

— Бадиий гимнастика қизларнинг нафақат қад-қоматлари тик бўлишига, балки ҳар томонлама ривожланишига ва соғлом, эпчил, чаққон ҳамда ҳаракатчан бўлишига ёрдам беради, — дейди Зумрад Матёқубова. — Буни яхши англаган қишлоқдошларимиз олисроқ маҳаллалардан ҳам қизларини олиб келишяпти. Қизалоқларнинг бадиий гимнастикага бўлган қизиқишлари кучли, шу боис, гимнастика маликалари сафи кундан кунга кенгаймоқда. Нафис спорт турининг бу жажжи вакилалари завқ билан машқлар бажараётганини кўриб, руҳланиб кетаман. Айниқса, шогирдларимиздан Назокат Жумабоева, Наргиза Нуруллаева, Гўзал Кенжаева тенгқурларига қараганда машқларни тез ўзлаштиришлари, тиришқоқлиги билан ажралиб туришади. Келажакда улар орасидан нафис ҳаракатлари билан жаҳон ареналарига чиқадиган чемпионлар етишиши, шубҳасиз.

Қишлоқнинг "Бежганак", "Ашхобод" маҳаллалари ва Нурафшон, Боғот шаҳарчалари ўғил-қизлари бўш вақтларини мазмунли ўтказаётган ушбу маскан доимо гавжум. Ёшларни спортга жалб қилишда эса бу ерда фаолият юритаётган мураббийларнинг хизмати катта. Мажмуада шуғулланаётган ҳар бир ўғил-қизнинг мақсади битта — спорт турларини пухта эгаллаб, юртимиз довруғини дунёга таратиш. Эзгу ниятлар эса албатта, ижобат бўлади.

Юлдуз ҲОЖИЕВА,
«Mahalla» мухбири.

Фахр

ЎЗБЕКОНА ФАЗИЛАТЛАР ИБРАТГА ЛОЙИҚ

Мен озар фарзандиман. Мана, қарийб етмиш йилдирки Миробод туманидаги «Темирйўлчилар» маҳалласида яшайман. Бу маҳаллада жами 2678 та хонадон бўлиб, шулардан 114 тасида озарбойжон миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилади. Шундай бағрикенг, саховатпеша инсонлар билан битта маҳаллада аҳил оиладек умргузаронлик қилаётганимга шукр қиламан.

Тошкент Тиббиёт институтини тамомлагач, шу билим даргоҳида илк иш фаолиятимни бошладим. Дастлаб талабаларга тиббиёт илмидан сабоқ бердим, кейинчалик 2-кардиология бўлимида ишладим. Меҳнат фаолиятим билан бирга маҳалла фуқаролар йиғини кенгаши аъзоси сифатида репродуктив саломатлик бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боряпман.

Иш жараёнида кўплаб ҳаётий ва оилавий масалалар айнан маҳаллада ҳал этилишининг гувоҳи бўлдим. Шундан хулоса қиламанки, Ўзбекистондаги маҳалла институтидек тизим бошқа бирор мамлакатда учрамайди. Бу борада ўзбек халқининг тажрибасидан андоза олса арзийди. Айниқса, ўзбек аёлларининг турмуш ўртоғига бўлган самимий муносабати, келиннинг ўз оиласига бўлган меҳри, оила-аъзоларига кўрсатадиган ҳурмат-эҳтироми, қолаверса, ибоҳаёсини мен бошқа миллат аёлларида учратмадим, десам муболаға бўлмайди.

Ўзбек халқининг меҳр-оқибати кучлилигига, болажонлигига, меҳмондўстлигию кенгфеъллигига ҳавас қиламан. Оилани муқаддас билиш, ўзи учун эмас, кўпинча фарзанди учун яшаш, уни уйли-жойли қилиб, кейин эса набиралари учун елиб-югуриш — болапарварлик айнан ўзбек аёлига хос юксак фазилат.

Ўзбек аёлларининг қўлиугуллиги, уларнинг том маънода ҳар соҳада ижодкорлиги биз каби бошқа миллат вакилларига ўрнак бўлгулик. Ўзбек аёлларининг «Мен буни қилолмайман», «Бу менинг қўлимдан келмайди», деган баҳоналарига ҳеч ҳам дуч келмаганман. Чунки ўзбек қизлари ёшлигиданоқ уй бекалигига, намунали келин бўлишга тайёрлаб борилади. Бу аёллар орасида менинг олима дугоналарим ҳам жуда кўп. Маҳалламизда ўзбеклар ҳам, озарбойжонлар ҳам яшайди. Динимиз бир, урф-одатларимиз, таомларимиз ҳам деярли бир хил. Тилимиз ҳам бир-бирига жуда яқин. Қўни-қўшничиликнинг яхши йўлга қўйилгани айниқса, тўй-маъракаларда билинади. Маҳалламизда қўшнилар тўй қилса бизлар ҳам бош-қош бўламиз, қўлимиздан келганича ёрдам берамиз, касал бўлса ҳолидан хабар оламиз. Агар ўз юртим — Озарбойжондан меҳмонлар келиб мендан Ўзбекистоннинг ўзига хос жойларига олиб боришимни сўрашса, ҳеч иккиланмай юртимиз кўркига кўрк қўшиб турган гўзал масканлар қаторида уларни маҳаллаларга бошлаб бориб, қилинаётган ишларни ва аҳолининг аҳиллигини кўрсаттан, ифтихор билан гапириб берган бўлардим. Зеро, маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар, бу маскандаги меҳр-оқибат, аҳиллик ўзга юрт одамларига ибрат бўлгулик.

Роза ЖАВАДОВА,
олий тоифали шифокор.

Мулоҳаза

ТУҒИЛГАН КУННИ ҚАНДАЙ НИШОНЛАЙМИЗ?

— Ойижон, бугун Ҳилоланинг туғилган кунига каттако-о-он торт олиб келишди, мазза қилдик, — деди 4-5 ёшлардаги болакай ойиси билан боғчадан қайтаркан. — Кеча Олимжонникига унақа катта торт олиб келишмади, уники кичкина эди. Ойижон, менинг туғилган кунимга ҳамманикидан катта торт олиб келасиз-а? Ёнида "кола", "фанта" билан-а?

— Сенинг туғилган кунингни ҳамманикидан зўр қилиб ўтказамиз, ўғлим.

— Боғчадаям, уйдаям-а?

— Албатта.

Мен она-боланинг ҳангомасини эшитиб, очиғи, ҳайратландим.

Мана дабдабага ўчликнинг бошланиши, деб ўйладим. Боғча ёшиданоқ болаларга туғилган кунни каттагина тантана сифатида нишонлаб бersак, демак, ёши улғайган сари уларнинг эҳтиёжлари ҳам каттаяверар экан-да, деган хулосага келдим.

Ҳа, ҳар биримиз учун туғилган кунимиз энг қувончли кун ҳисобланади. Ва, албатта, ўша кунни нишонлаймиз. Энг қувончли, бахтли дамларни нишонламай бўладими, ахир. Саранжом-саришта меҳмонхона, ясатилган дастурхон. Сиз кутган ва кутмаган совға-саломлар. Айниқса, узоқ-яқиндан келган дўсту биродарлар, қариндош-уруғлар дийдорига нима етсин. Лекин кейинги пайтларда туғилган кунларимиз ҳам катта тантанага айланиб кетаётгандек. Муҳташам ресторан ва кафеларда тўкинсочин, шоҳона дастурхон атрофида (баъзида санъаткорлар ҳам хизматда бўлишади) мезбоннинг соғлиғи учун қадаҳ кўтаришади, яхши тилаклар билдиришади.

Фарзандларимизнинг туғилган кунини-чи? Азбаройи меҳмондўстлигимиздан бир ёшга тўлган гўдакнинг ҳам туғилган кунини нишонлаймиз. Бир ёшга тўлган бола буни тушунадими? Туғилган кун, аслида, ўша куни туғилган одамни хурсанд қилиш учун нишонланмайдими? Одатда, фарзандларимизнинг туғилган куни бир четда қолиб, катталар ўтиришни бошлаб юборишади. Боланинг туғилган кунини ўтказиш отасининг меҳмон чақириб ичкилик ичиши учун шунчаки бир баҳонадек кўринади баъзида.

Арофат Алимова, Тошкент шаҳри: — Оилада саккиз жон эдик. Лекин ҳеч қачон туғилган кунларни ҳозирдагидек нишонламасдик. Фарзандларимизнинг туғилган кунини оилавий ўтказардик. Унга ўзи орзу қилиб юрган нарсасини ва албатта, китоб совға қилардик. Уйимиздаги кутубхона ҳар йили болаларимга қилинган совға китоблардан йиғилган. У пайтлар ҳозиргидек қучоққа сиғмайдиган ўйинчоқлару ялтироқ қоғозга ўралган совға-саломнинг ташвишини қилмасдик. Ҳозир боғча ёшидаги неварамдан тортиб коллеж институтлардагиси ҳам кунда-кунора туғилган кунга пул йиғишади.

Халил Мақсудов, шифокор: — Туғилган кунларни нишонлаш тобора катталашиб кетяпти. Тунов куни 5-синфда ўқийдиган қизим менинг ҳам туғилган кунимни ўтказиб берасизлар, синфдошларим туғилган кунларида катта стол ясатиб, чиройли кўйлаклар кийяпти, деса бўладими? Албатта, фарзандларимизни туғилган кунида хафа қилмаслик учун айттанидек қилиб ўтказиб беришга, совға-салом улашишга уринамиз. Аммо танганинг иккинчи томони ҳам бор-да. Бунақада фарзандларимизни ёшлигидан дабдабали тантаналарга, совға-саломга ўч қилиб қўймаймизми?

Зарифа Исматхўжаева, Тошкент шаҳри, ўқитувчи:

— Неча йиллик педагогик тажрибамдан маълумки, туғилган кун ўтказиш болаларнинг руҳиятига салбий таъсир қилади. Чунки бу кунни ўтказиш учун ота-оналарнинг ҳаммасининг ҳам имконияти бир хил эмас. Болалар эса буни бошқача тушунишади. «Нега фалончининг туғилган кунини зўр ўтказишдию, меники эса оддийгина ўтди», деб ўксийди. Синфдошларининг олдида ўзича изза бўлади. Қолаверса, туғилган кундаги баъзи одатлар бизнинг урф-одатларимизга умуман, тўғри келмайди — туғилган кунларимизда ғарбча одатлар устувор. Яъни совға-саломга, торт-нинг устига чет тилида табрик сўзи ёзиш, мушак отиш, шам ўчириш каби. Туғилган куни нишонланаётган одам худди умрида бир марта туғилган кун ўтказаётгандек.

Бу билан биз туғилган кунлар ўтказилмасин, демоқчи эмасмиз. Аммо туғилган кунлар ихчамгина, оилавий нишонланса, ичкилик ва шоҳона дастурхон ўрнига туғилган кун сабабчисига керакли ва фойдали, орзу қилиб юрган нарсасини совға қилишса ёки туғилган куни бўлаётган киши яқинлари билан бирор шаҳарга саёҳатга борса, бир умрлик эсдалик бўлиб қолади-ку.

Сиз нима дейсиз?

Барно СУЛТОНОВА.

Руҳшунос маслаҳати

УМИДСИЗЛИК — ЎТКИНЧИ ҲОЛАТ

Кейинги пайтда «депрессия», «стресс» каби тиббий атамалар қулоққа тез-тез чалинади. Бу атамалар руҳий тушкунлик, умидсизлик, яъни асабларнинг зўриқиши деган маънони англатаркан. Бизга шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз.

С.Абдурасулов.
Навоий вилояти.



ДЕПРЕССИЯ НИМА?

Бу кучли асабийлашиш оқибатида руҳиятнинг бузилишидир. Стресс, яъни асабийлашиш депрессиянинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Депрессия ҳолатига тушган одам руҳиятида умидсизлик, тушкунлик жараёнлари кечади. Бу ҳолат кўпчиликда содир бўлса-да, кимдадир оғирроқ, кимдадир енгилроқ ўтади. Депрессиянинг енгилроқ турини бошидан кечираётган одамнинг иштаҳаси бўлмайди, уйқуси бузилади, кайфияти ёмонлашади. Оғир турида эса, юқорида кўрсатилган белги аломатлар кучли намоён бўлади — ваҳима, қўрқув ҳиссиётларига безовталик ва нотинчлик қўшилади.

КИМ, ҚАЕРДА, ҚАЧОН?

Депрессия ҳолати кўпроқ куз ва баҳор ойларида кузатилади. Булутли кунларнинг кўплиги, иқлимнинг ўзгариши, ҳаётидан кўнгил тўлмаслик, салбий ҳиссиётларнинг тез-тез такрорланиши: яқин кишидан айрилиш, севган ишидан жудо бўлиш, оилавий қўйди-чиқдилар, аёлларда туғишгача, туққандан кейин организмдаги ўзгаришлар оқибатида ушбу ҳолат юзага келиши мумкин. Миянинг жароҳатланиши, тез-тез шамоллаш ва унинг асорати ҳам бундан мустасно эмас. Қолаверса, бу касаллик насл суради. Ҳа, ҳайрон бўлманг, асаб касаллигига чалинган одамнинг авлодида ҳам депрессия ҳолати учраши аниқланган.

ҲЕЧ НАРСА ҚИЗИҚ ЭМАС...

Бундай ҳолатдаги киши ҳаётдан совиб кетади. Тушкунликка берилади. Кайфиятини ҳеч нарса кўтармайди. Аввалги лаззатланиш, қувонч, бахтиёрлик ҳиссиётлари ўрнини ғам, қайғу эгаллайди. Унга олам нурсиз, файзсиздек, қоронғи кўринади, вақт секин, азоб билан ўтаётгандек туюлади. Бундай ҳолатда киши келажак ҳақида хаёл суролмайди. Орзу-умидлари йўқолгандек ҳис қилади ўзини. Баъзан ўзини, ёлғиз, ҳимоясиз сезади. Баъзи одамларда бундай ҳолат бир ой мобайнида кечса, бошқаларда уч ой, бир йил ва ҳатто икки йилгача чўзилиши мумкин. Ана шу муддат чўзилиб кетганда бемор қийналиб, ҳолдан тояди. Уни нохуш хаёллар чулғаб олади.

БАРИСИ ЎТКИНЧИ

Ҳа, умидсизликка тушманг, ахир, бу ҳолат ўткинчи. Унинг ўткинчилигини билган одам бу ҳолатдан тез чиқиб кетади. Чунки депрессия ҳолатига тушган одамнинг хаёлида бутун умри шундай азоб билан ўтадигандек, яшашидан маъно қолмагандек туюлади. Агар озгина сабр қилинса, бемор аста-секин ўз ҳолига қайтади. Яшашга иштиёқ пайдо бўлиб, келажакка умид, ишонч билан қарай бошлайди. Албатта, бундай пайтда тушкунлик гирдобидан чиқишга психолог ва психиатр ёрдамига таяниш лозим. Аввало, депрессия ҳолатидан чиқиб кетишга одамнинг ўзида кучли ишонч ва интилиш бўлиши керак.

ДЕПРЕССИЯ ҲОЛАТИ МЕНДА ЙЎҚМИКАН?

Буни билмоқчи бўлсангиз мутахассисларнинг тест саволлари орқали ўзингизни синаб кўринг.

1. Нима биландир овунасизми?
2. Бирор муаммоли вазиятни ҳал қилишга қийналасизми?
3. Сизни нималардир қизиқтирадими?
4. Касалликларга тез-тез эътибор бериб, ўзингиздаги касалликлардан ваҳимага тушасизми?
5. Сизга ҳаётингиз мазмунсиздек туюладими?
6. Сизда доимий чарчоқлик ҳисси борми?
7. Уйқунгиз ёмонми?
8. Иштаҳангиз йўқолиб, озиб кетдингизми?

Агар "ҳа", деган жавобни кўпроқ берган бўлсангиз, демак, сизда депрессия ҳолати бор.

НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

Ҳиссиётларингизни бошқаришга ҳаракат қилинг. Бахтли кунларингизни тез-тез эсга олиб, ўша кунларни ҳис қилишга ҳаракат қилинг. Кўпроқ қувноқ, серзавқ одамлар даврасига интилинг. Энг муаммоли вазиятни ҳам, ташвишларни ҳам четга суриб қўйинг. Кўнглингиздаги нотинчлик, хижиллик сабабларини ўйлайверишдан кўра севиб шуғулланадиган машғулотингиз билан, гарчи хоҳламасангиз-да, шуғулланинг. Уйда ёлғиз қолманг. Санъат, спорт, кинотеатр, тўю томошаларга, ўзингизни мажбурлаб бўлса-да тез-тез бориб туринг. Аста-секин бу ҳолатдан қандай чиқиб кетганингизни ўзингиз ҳам билмай қоласиз. Энг асосийси, мутахассисдан ёрдам сўрашга ҳеч ҳам тортинманг.

Б.БОТИРОВА тайёрлади.

"Маҳалла" хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими жамоаси Миробод тумани "Маҳалла" жамғармаси бўлинмаси раиси Ирмуҳамедов Фарҳод Баҳодировичнинг падари бузруквори

Ирмуҳамедов Баҳодирнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Mahalla
ижтимоий-сиёсий ва маърифий ҳафталик газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.
Муассис: Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви
Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Телефонлар: 236-53-93 233-10-73 236-53-75, 236-57-62 Факс: — 233-39-89
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма тобоқ.
Навбатчилар: Б.Султонова, Ю.Ҳожиева
Мусаҳҳих: Г.Норчаева
Нашр кўрсаткичи: 148
Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент, "Буюк Турон" кўчаси 41.
www.mahallagzt.uz mahalla@sarkor.uz 15350 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-1013 Топширилди — 02.00 1 2 3